

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 98-99 (6938-6939)  
1998 йил 15 декабрь, сешанба

Сотувда эркин  
нархда



Мен Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Собир Раҳимов номи мактабда ўқийман.

Биз ҳар сешанба куни оиламиз билан «Тонг юлдузи» газетасининг чиқи-

## XXI АСРНИ «ТОНГ ЮЛДУЗИ» ЎҚИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

шини интизорлик билан ку-тамиз. Менга «Ёш иқтисодчи» иловасидаги «Чарх», «Хонадон» каби саҳифалар жуда ёқса, Феруза опам «Афсоналардан — афсоналарга», «Кунлардан бир кун», «Кабутар қанотидаги мактублар» саҳифаларини қизиқиб ўқийди. Ҳатто бу

саҳифаларга ўзи ҳам хатлар ёзиб қатнашишни орзу қилади.

Укамга эса кўпроқ «Бир бор экан» саҳифаси ёқади.

Онам ҳар куни мактабга кетаётганимизда бизга 10—20 сўм пул берадилар. Биз эса у пулларни ялтироқ қоғозли сақичлар-у «им-

портний» шоколадларга алишмай йиғдик ва 1999 йилнинг биринчи тўрт ойига опам, иккинчи тўрт ойига мен, учинчи тўрт ойига эса укам бир бўлиб, севимли газетамиз «Тонг юлдузи»га обуна бўлдик. Шундай қилиб, йилнинг 12 ойи ҳар ҳафта «Тонг юлдузи»



биз билан бирга булади. Насиб этса, биз янги асргача «Тонг юлдузи»ни ўқиймиз!

Мадина УСМОНОВА

Меҳрибон муаллимам, назаримда одамзод умр бўйи боғланадиган, қадими узилмайдиган битта макон бор — мактаб, инсон ҳаёти умр бўйи боғланадиган инсон бор — устоз, муаллим.

Сизни салкам эллик йилдан бери биламан. Ва Сиз ўша-ўша қадрдонсиз, жонимга жонсиз. Даврларда ногоҳ Сизни учратсам, юрагим соғинчла энтикиб кетади, қанийди қўлларингиздан тутсам. Учрашганимизда меҳрла кучасиз, бағрингиз бирам иссиқ.

Азизам, эсингиздами, барчага болалигини ёдга солувчи, деярли ҳамма ёд биладиган машҳур шеър:

**Менинг икки онам бор,  
Иккиси ҳам меҳрибон.  
Бири менга сут берган,  
Бири эса ширин жон...**

Ҳа, менинг икки онам бор эди, шеърда куйланганидек. Бошқалардан фарқли ўлароқ иккаласининг ҳам исми Саида эди. Ва улар доимо бири иккинчисини тўлдирар, иккинчисини ҳамиша биринчисини эслатиб турар эди. Адабиёт бири учун касбга айланган, иккинчисини учун

## СЎЗДАН САРАЛАДИМ, СИЗГА ГУЛДАСТА!

\*\*\*  
Болалар, шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги, Таълим ва Фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси, «Камолот», «Устоз», «Улғибек», «Олтин мерос» жамғармалари томонидан Тошкентда Ўзбекистон Республикаси 1998 йил ўқитувчиси кўрик-танлови ўтказилмоқда. Ушбу анжуманда Республикаимизнинг барча вилоятларида ғолиб чиққан 14 нафар ўқитувчи иштирок этмоқда. «Йил ўқитувчиси» кўрик — танлови қатнашчилари иш фаолиятида, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришда уларга омад тилаймиз.

илоҳий неъмат эди. Ана шу икки фидоий, адабиётшинаванда, табиатан шоир-у, аммо шоирликни даъво қилмаган икки аёл меҳри оғушида мен шаклланиб борардим. Устоз! Сиз ҳамиша онамдек меҳрибон эдингиз. Қалбингиз эзгуликларга, яхшилиқларга тўлиқ эди, меҳрнинг, муҳаббату мурувватнинг нурлари кўшилиб-қоришиб кетганди унда.

Сўзларингиз дуру жавохир, каломингиз муқаддас эди. Кўзларингизга 30 жуфт қора кўз меҳрла термулиб, оғзингиздан чиққан гавҳарларни териб олишга, биттагина дурини ҳам тўкиб-сочиб юбормасликка ҳаракат қилардик.

Мактабимиз рўпарасида жойлашган ҳовлингиз ахам мулки эди, гўё. Биз учун боғлари бол мева беради. Анвойи гуллар дарвозагача муаллимамиз ҳоки-пойини ўпиб кузатади, деб ишонардик. Ҳа-ҳа, эртақлардагидек-а, аслида шундай эди. Дилбандларингиз Эркин, Озод,



Азамат, Зарифларга ҳавасимиз келарди, қизғанардик ҳам. Сиз аввал оилангизники, кейин бизларники эканлигингизга тоқат қи-

лолмасдик чоғи. Уйингиз остонасигача қийқириб кузатиб борардик-у, жимгина қайтардик. Эслаяпсизми?

Сиздан кўплар маслаҳат олгани келарди. Ахир, сиз ҳам қишлоқ мактабида иш бошлаган, бу орада институтни имтиёзли тугатган, қатор медаллар соҳиби, Саида Бақоева эдингиз-да. Эҳ, қанчалар фахрланар эдик биз.

Сизнинг умрингиз 45-минутлар мазмунига сингиб кетган, гўё шундангина иборат эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир дарсингиз бетакрор эди, поёнию давоми йўқ эди. Табассум билан ўзингизга хос ширали овозда ғазал ўқийдиган ҳолатингизни тушларимда кўраман.

Муҳтарам ўқитувчим! Сизни ўйласам хаёлимда ўша латофат, ўша самимият ва ширин табассум билан гавдаланасиз. Ахир адабиётдек сеҳрли уммонга олиб кириб, унинг бағридаги дуру

### МУАЛЛИМАМГА МАКТУБ

жавохирлар хазинасини очиб бир умр шайдо қилган, ўз тақдир гавҳарини танлашда кўмаклашган инсон қиёфасини бошқача тасаввур этса бўладими?

Сиз ҳақиқий қалб меъмори эдингиз, устоз! Сизда касбга садоқат, болаларга меҳру муҳаббат уйғонган эди.

Шогирд камоли — устоз жамоли дейдилар. Сизни бунчалар хушрўй, фаришта монанд қилган бизнинг камолимиз эмасмикан?

70 ёш. Мана 70 ёшга кирибсиз. Сиз гулларга чулғонадиган кун. Шаънингизга раҳматлар — мактовлар ёғиладиган кун. Балки, биринчи ё ўнинчи бўлиб гулдаста тутиш насиб этар менга ҳам. Аммо гуллар етиб боргунча сўздан сараладим сизга гулдаста. Минглаб Обидаю Гулмиралар, Равилу Амурлар, Аҳтаму Мухторлар, Муҳибаю Манзуралар, Нодираю Дилдорлар дил розини ҳам қабул қилинг. Ва у Сизга, сиздек барча устозларга аталган гулдаста бўлсин. Шогирдларни меҳри пайваста бўлсин.

**Бахшанда БОЛТАЕВА,  
Бухоро вилояти,  
Ғиждувон тумани.**



Тумандаги 4-урта қозоқ мактабида «Ўзбек тилим — жон тилим» деб номланган ҳафталик бўлиб ўтди. Ҳафталик Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Юқори Чирчиқ туман бўлими ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан ташкил этилди. Уни мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси Тухтагул

## ҚОЗОҚ МАКТАБДА ЎЗБЕК ТИЛИ ҲАФТАЛИГИ

Маликбоева ҳамда мактабнинг тиллар бўйича метод бирлашмаси раҳбари Хадича Хўжакелдиевалар тайёрлашди ва олиб боришди. Ҳафталикда мактабнинг 3-4-5-синф ўқувчилари ўзбек халқ эртакларидан саҳна кўринишлар, ҳамда ўзбек шоирларининг Она Ватан мадҳини тараннум этувчи шеър ва газалларидан парчалар намойиш этишди. Ҳаммадан ҳам ўқувчилар томонидан янграган ўзбекча куй-қўшиқлар унинг иштирокчиларига манзур бўлди.

Ўқувчилардан Г. Айтимбетова, А. Норимбетова, К. Туйчиева, Г. Турдиматова, Г. Хўжақулова, Г. Муҳам-

маджонова, Ф. Сиддиқова, С. Ажибоевлар ўзларига топширилган шеър, саҳна кўринишлари ҳамда ўзбекча кўшиқларни зўр мароқ билан ижро этишди.

Ўқувчилар томонидан ташкил этилган ўзбек тилидаги суратли деворий газеталар тадбирга янада файз бағишлади. Ушбу мактабда бу каби тадбирларни ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Чунки ҳафтанинг ҳар жума куни «Маънавият ва маърифат» куни дея мактаб маъмурияти қарор қабул қилган.

**Латифжон МАНСУРОВ,**  
**Юқори Чирчиқ тумани,**  
**Кавардон қишлоғи.**

## ЎЗИМИЗНИНГ «ВУНДЕРКИНД»

Тўйтепада бўлганмисиз? Туман маркази ҳисобланмиш шаҳарнинг қоқ ўртасида Одилжон Файзиёв номли мактаб бор. Шу мактабнинг довуғи ҳамма ёққа таралган. Қандоқ қилиб дейсизми? Бўлмаса сиз эшитинг, мен айтиб берай.

Авваллабор, бу мактабнинг ўқувчиларига бошқа мактаблар ҳавас қилса арзийди. Боиси — улар одобу ахлоқда одамнинг жондиди. Кўчада кўрган заҳотлари, салом берадилар. Бирор манзилни сўрасангиз — ўзлари олиб бориб кўрсатмагунча кўнгиллари жойига тушмайди.

Э, ота-онангизга, таълим-тарбия бераётган мактабнингизга раҳмат, дейишдан ўзингизни тия олмайсиз.

Биз билан ҳам шундай ҳол юз берди.

Биз шундай хушаҳлоқ болалари — ўқувчилари борлиги учун миннатдорчилик билдириш мақсадида мактаб ичкараси томон йўл олдик. Бизни мактаб «Маънавият ва маърифат» жамоат-

чилик маркази мудирини Нигорахон Юнусова кутиб олди. Ташрифимиз боисини тушунтирдик. Раҳмат, дея бизни ичкарига бошлади Нигорахон, келинг, бир пиёла чой ичиб кетинг.

Одобли болаларимиз ичида иқтидорли болаларимиз ҳам анчагина, дея сўз бошлади Нигорахон. Мана мисол учун Дилшод Қаюмовни олайлик. Бугун у ўқиётган 6-синфда ота-оналар мажлиси бўляпти. Дилшод синфда энг ёш ўқувчи ҳисобланади. У зехни ўткирлигидан беш ярим ёшидан бошлаб бирданига иккинчи синфга қабул қилинган.

— Йўғ-э?!

— Рост. Агар унинг ўзи ва онаси билан суҳбатлашмоқчи бўлсангиз шу ерга чақиртириб беришим мумкин.

— Мен Қаюмова Назирахон, Дилшоджоннинг онаси бўламан, деди биз ўтирган хонага ўғли билан кириб келган аёл. — Ўзим туман алоқа бўлимининг телефон тармоғида ишлайман. Бешта фарзандимдан энг кичиги — шу

Дилшоджон ўғлим. У ўзи учтўрт ёшлигидан ўқиш ва ёзишга қизиқиб, ака-опалари ёрдамида билим олган. Уларга эргашган-да!

— Мактабга қандай қабул қилишди?

— Дилшоджон мактабга келмасдан аввал ҳамма ҳарфларни ўзлаштириб, бийрон ўқийдиган бўлиб қолган эди. Ўқитувчилар уни кўриқдан ўтказиб иккинчи синфга муносиб кўришди. Ҳозир у 6-«А» синфда

аъло баҳоларга ўқияпти.

— Ўқишдан қийналиб қолмаяптими, ишқилиб?

— Ака-опалари ёрдам беришяпти. Ўзи ҳам биламаганини сўрашдан уялмайди. Ўзига анча дадил.

Биз Дилшоджонга ҳам бир неча саволлар билан муурожаат қилдик.

— Айтинг-чи, Дилшоджон, синфдош ўртоқларингиз билан ўзаро муносабат қандай? Ахир улар ҳар қалай сиздан уч ёш катта-да. Ўртада тафовут сезилмаяптими?

— Йўқ, сезилмаяпти. Мен улар билан тенгқурларим қандай муносабатда бўлишса худди шундай муносабатдаман. Улар билан бирга ўйнайман. Агар бошқа синфдан бирортаси тегажоқлик қилса синфдошларим даров ёнимни олишади.

— Уйда, бўш пайтингизда нима ишлар қиласиз?

— Томорқамизда адамга қарашаман. Чунки акам Тошкентда, ўқишда. Уйда асосий ёрдамчи бўлиб ўзим қолганман. Кейин ҳовли супураман, онамга овқат тайёрлашда ёрдамлашаман.

— Опаларингиз ҳам бор экан-ку...

— Йўқ, уйимизда бу ўғил бола, бу қиз бола деган гап йўқ. Ҳар ким қурби етганча ота-онасига ёрдам бериши лозим, деб ўйлайман.


— Сир бўлмаса, айтинг-чи келажакда ким бўлмоқчисиз?

— Аввал лицейда, кейин ҳуқуқ илмгоҳига кириб ўқийман. Келажакда судья бўлмоқчиман.

Ҳақиқат учун курашишни ниёт қилиб кўйганман.

...Мен мактаб биносидан хайрлашиб чиқар эканман, ўқувчиларининг Дилшоджонга меҳр билан қараб кўйишганини сезиб қолдим: «Ўзимизнинг вундеркинд!»...

**Собир ЖАББОР.**



Пашша учса билинади-я!

## ҲАР БИР СИНФ 10 ТАДАН «ТОНГ ЮЛДУЗИ»ГА ЁЗИЛДИ

Суҳбатдошимиз Усмонбеков Равшанбек Қурбонович — Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими мудирини 6 нафар фарзанди бор. Кундалик ҳаётларини матбуотсиз тасаввур эта олмайдилар. Раҳбарнинг оиласи ва унинг матбуотга муносабатига урғу беришимизнинг боиси — оиладаги талабчанлик иш жараёнида ҳам давом этади. Ўзи ҳам кўп ўқийди, қўл остидагиларни ҳам шунга ундайди.

— Туманимизда 38 мактаб, 2 та интернат бўлиб, уларда 41.414 ўқувчи билим олмоқда. Раҳбарлик ишимга 3 йил бўлди, шу қисқа вақт мобайнида 40,186 мактабларда банк синфлари, 1 та иқтисод синфли интернат очдик. Тумандаги 27, 197, 67, 607-болалар боғчаларини компьютерлаштирдик 84-боғча мактаб мажмуасини ташкил қилдик. Бўлажак авлодни соғломлаштириш мақсадида 88-болалар боғчасида бассейнлар қурилди. Биз экологик тарбияга

алоҳида аҳамият беришимиз. Боғчаларда экологик бурчаклар ташкил қилинган.

Ўзингизга маълум, ҳозирги кунда ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усули жорий қилинган. Биз 40, 41, 186, 324-мактабларнинг бошланғич синфларида рейтинг усулидан фойдаланаяпмиз.

Иш жараёнида айрим муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Биз боғча қошида очилган тайёрлов синфларида 1-синф дастурини ўргатамиз. Бу болалар мактабда яна 1-синфни ўқиб, зерикиб қолишмоқда. Истардимки, Вазирликдаги мутасаддилар буни ўйлаб кўришса.

Ҳозир обуна мавсуми. Мактабларда бу ишга алоҳида этибор бериляпти. Шу кунгача 604 ўқувчи «Тонг юлдузи»га обуна бўлишди. Ҳар бир синф 10 тадан ўз газеталарига обуна бўладилар, деб ваъда бераман.

Биз ТХБ мудирининг ваъдасига ишондик. Ваъдага вафо қиладиган инсондан ҳуш хабар кутиб қоламиз.

**Суҳбатдош**  
**Ёқутхон РАҲИМОВА.**



Давримизнинг буюк ёзувчиси Чингиз оға АЙТМАТОВ 12 декабрь куни роппа-роса 70 ёшга тўлди. Биз у кишини «Тонг юлдузи» муштарийлари номидан муборак сана билан самимий кутладик ва Бишкекка табрикнома йўладик. Афсуски, «тўй бола» Европада эканлар. Яъни, мамлакатнинг мухтор элчиси сифатида ўзининг хизмат бурчини ўтаётган экан.

Чингиз Айтматов «Сомон йўли» (1963 й.), «Оқ кема» (1970 й.) каби машҳур киссаларида айнан тенгдошларингиз ҳаётини қаламга олади. Айниқса, «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» (1977 й.) асари бошдан-оёқ ёш боланинг ҳаёт-мамот масаласига бағишланган. Тўғри, Ч. Айтматовнинг болалар ва ўсмирлар тўғрисидаги асарлари, айтилик, Марк Твен ёки Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Анвар Обиджоннинг болаларга бағишлаб ёзилган асарларидан кескин фарқ қилади. Негаки, Чингиз оғанинг асарларини баъзан катта ёшдаги

амакилар ўқиса ҳам яхши тушунмай қоладилар. Тушунмагач эса, пешоналирини тириштириб, дарҳол танқидчи Муқбил Тошотарни ҳашарга чорлайдилар. «Асарингизни тушунтириб беринг!» дейишиб, адибни изза қилдилар. Демокчимизки, Чингиз оға, аслида, болалар ҳаётинан катталарга мўлжаллаб асар ёзадилар. Лекин, зинҳор-базинҳор «алдагани бола яхши» қабилида хўжақўрсин учун китоб ёзмайдилар. Доим пишиқ-пухта ёзадилар, ҳалол ёзадилар. Зеро, бошқаларни ҳалолликка чорлайдиган зот, аввалом бор, ўзи ҳалол бўлиши керак. Парвардигори оламга беадад ҳамду санолар бўлсинки, Чингиз оға ҳалол ёзувчилар тоифасига мансуб.

Ушбу саҳифада Чингиз Айтматовнинг «Шарқ» концернида чоп этилган янги китобидан («Чўққиди қолган овчининг оҳизори») ўз болагига оид парчани эълон қилаётимиз. Марҳамат, буюк ёзувчи бўладиган бола бошидан қанақа бўлишини билиб қўйинглар!

## СОЛНОМАДАН САҲИФА

қирғиз тилида ёзилган эди. Шу сабабдан цензура қилинмаган бўлса керак. Онам товушини чиқариб хатни ўқиб берди. Хатида у ҳар биримизни сураб-суриштирган, соғлигимиздан хавотирланган, айниқса, оғаси Турақулнинг тақдирдан қўй қайгурган эди. Узи тугрисида: «Бизни Манчжурия чегарасига яқин жойларда темир йул қурилишига жунатдилар. Жуда совуқ. Менинг икки буйрагим ҳам шамоллаб қолди. Бу ерда ҳар бир кишига норма беришади. Агар нормани бажармасанг, овқатдан маҳрум қиладилар. Оғир юк кутаришим билан буйрақларим сирқираб оғрий бошлайди. Касалдан ва қорним туйиб овқат емаётганимдан яримжон бўлиб қолдим. Узларинг ҳам билиб турибсизлар. Норасида болалар камайиб боряпти... Агар қурбингиз етса, менга ярим пуд талқон жунатинглар. Шунда яна беш-олти ой яшашим мумкин», деб ёзган эди.

Рисқулбекнинг оғир ҳаволи юракбағримизни қон қилиб юборди. Онам билан Қорақиз эжам тухтовсиз бугдой қовуриб, талқон ҳозирлашга киришдилар. Тонг отар-отмас талқон солинган қопни елкасига ортиб, онам район марказидаги почтахонага йўл олди... Рисқулбек қариндошлари жунатган уша талқонни олди-йўқми, номаълум. Бизга ҳеч қандай жавоб келмади. Шу тариқа, мусофир юртларда у ҳам йўқ бўлиб кетди.

Биз Шакарда отамнинг синглиси Қорақиз эжам билан унинг эри — Дустали жездамнинг уйида яшайвердик. Уларнинг икки хонадан иборат уйлари катта ариқ ёқасида жойлашган эди. Бир хонада улар яшарди, иккинчи хонада биз яшардик. Дустали жездам меҳрибон, қули очиқ инсон эди. Боз устига, у тўғма овчи эди. Отни эгарлаб, елкасига милтигини ташлаб, иккита този итини эргаштириб тоққа овга кетарди... Агар ов бароридан келган бўлса, Қорақиз эжамдан бошлаб ҳаммаимизни номма-ном чақириб келаверарди.

Отам қамоққа олинганча, овулимизда унинг номини тилга олишга қўрқарди. Фақат онам билан Қорақиз эжамгина отам тугрисидаги ёрқин хотираларини болалар қалбига муҳрлашдан асло чучимадилар... Қорақиз эжам саводсиз бўлса-да, лекин оқила аёл эди. У бир умр отам хотирасини муқаддас сақлади. 1964 йили оғир касалликдан сунг вафот этди.

Дастлаб, расмий идорадан бизга ёлгон маълумотнома жунатишди: «10 йил муддат билан қамалди, хат ёзиш ҳуқуқидан маҳрум этилди». Бизни интизор этиб қўйган сунгсиз йиллар бошланди... Охири, «Т. Айтматов улимдан кейин оқланди», дейилган бир парча қоғозни қулимизга тутқазишди...

Қуёш ботаётган маҳал: «Умримнинг кўпи кетиб, ози қолди», деб эслаб туриш керак. Шундай пайт бир кун бўлмаса, бошқа куни келади. Шу муддатга очиқ юз билан, ҳаёт сўқмоқларида учраган мушкулотларни мардонавор енгиб боришни худо бизга насиб этсин!

Биз отаюртга сон-саноксиз кузга куринмас ришталар билан боғланганмиз. Баъзи бировлар, мен ватансиз яшашим мумкин, аммо ватан менсиз яшай олмайди, дейишади. Калондимоқ кишиларнинг бундай гаплари бизга бегона. Аксинча, бобомерос юртимиз биз бўлмасак ҳам гуллаб-яшнаймади. Лекин узимиз юртдан узилиб қолсак, асло юксакларга парвоз қилолмаймиз.

Нафсиламбирини айтганда, қачонки ватан омон экан, биз ҳам омон бўлаемиз!

# ВАТАННИ ТУШУНИШ

Ўзбекистон Президенти И. Каримов фармонида  
қўра, Чингиз Айтматов «Буюк хизматлари учун»

ордени билан мунофотланди

Инсон тугилиб усган ота юртда тақдирга дастлаб пойдевор қуйилади. Муҳими — ота юртдан олган ва юқтирган нарсаларни қалб қури билан илтиб, худди бол туплаётган асалари мисоли юракка жойлаб олишинг керак.

Болалик пайтимдаёқ ёддан билардимки, мен Шакар уругиданман, менинг отам Турақул, Турақулнинг отаси Айтмат, Айтматнинг отаси Кимбилди, Кимбилдининг отаси Қончужоқ... Айтмат бобом қули гул уста эди: ҳам дурадгор, ҳам темирчи, устига устак, чевар эди. Қолаверса, дурустгина бахши ҳам эди. Унинг бешта фарзанди булган: Ойимқул, Қорақиз, Гулойим исмли қизлари ва Турақул, Рисқулбек исмли уғиллари бор эди.

Овул тирик мавжудот каби узининг абадий қонунлари билан яшайди. Ушалардан энг муҳимлари — кексаларга ҳурмат ва етти ота-бобони билишдир. Лекин, яна бир нарсани эсдан чиқармаслик керак. Келажакда узинг ҳам етти ота-бобо қаторидан жой оласан. Хуш, ажодлар сени яхши сузлар билан эслайдиларми ёки аксинчами? Айтилик, кимдир от урсининг невараси бўлсин. Унга ҳеч ким ҳавас қилмаса керак...

Биз ана шундай халқ фалсафаси руҳида тарбияландик. Мен ҳозир ҳам «етти отани билиш керак» деган удумни эъозлайман. Айтмоқчи, еттинчи авлодгача булган қариндош-уруғларнинг қони бир хил таркибда эканини таботат илми исботлаб берган. Агар уз авлодини яхши билмайдиган йигит қондоши булмиш қизга уйланиб қўйса, ажодди бузилиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, мол боқиб, матал туқиб юрган донишманд чолларимиз моҳиятга етиб борганлар.

Бизнинг овулимизда куёвнинг оғанилари учун ҳеч қутилмаган номларни уйлаб топардилар. Баъзан машғулотига қараб лақаб қўярдилар. Масалан, тегиримончини «Тегиримонтош оға» дейишарди. Найнов йигитни эса «Тундук бош» — «боши минорага етадиган йигит» дейишарди. Бизнинг Шакарда нимжонгина, пахмоқ соч киши буларди. Келинчақлар уни қуриб қолсалар: «Қарға келяпти», дейишарди пичирлашиб. Овулда ҳар ким уз мақомига яраша ном қозонган эди.

Отам Москвадаги Қизил Профессорлар институтида ўқиган. Оиламиз онам Нағима Ҳамзаевна билан ётоқхонада яшардик. Мен тўрт фарзанд ичида энг каттаси — тўққиз яшар эдим, кенжа синглим Роза энди олти ойлик булган эди. 1937 йилнинг август-сентябрь ойларида «Правда» газетасида иккита мақола эълон қилинди. «Буржуй миллатчилари» ва «Қирғизистон ВКП(б) Марказий Қўмитасининг сиёсий хатолари». Мана шу мақолаларнинг касофати туфайли республикамиз раҳбарлари бирин-кетин қора руйхатга туша бошладилар. Қўпчилик қатори отамнинг номи

ҳам тилга олинган эди. Бошида қора булут қуюқлашаётганини билгач, у онамга: «Болалар билан уйга қайтгин. Агар мени ҳибсга олишса, «халқ душмани»нинг хотини сифатида сенга ҳам тинчлик беришмайди. Етим бўлиб қолган болаларимизни болалар уйига жунатишади. Устига устак, фамилиясини ҳам узгартириб қўйишади. Мени миллатчиликда айблашаяпти. Бу қип-қизил бўхтон. Омон булсам, узим хат ёзаман». Отам бизни Қозон вокзалига кузатиб қўйди. Сунг поездимизга эргашиб, мадори қуриб қолгунча югуриб борди ва қўлларини силкитиб хайрлашди. Эҳтимол, бизни охириги марта кураётганини кунгилдан ўтказгандир, азиз кишиларидан — болаларидан, хотинидан бир умрга ажрашаётганини ич-ичидан сезгандир?! Поездда етти кечаю етти кундуз йул юрдик. Оренбург, Саратов, Қозогистоннинг бепоён саҳролари ортимизда қолди. Ниҳоят, ярим кечаси Маймоқ бека-тида поезддан тушдик. Атрофни зулмат қоплаган уша тун, уша қўрқув хотирамга бир умр муҳрланиб қолди. Эртаси куни тоғам Сувонбекнинг арабасига куч-қуронимизни ортиб, Шакардаги Алимқулнинг ҳовлисига улар ҳолатда етиб олдик.

Москва почтасининг бланкасига қистаниб ёзилган отамнинг энг охириги мактуби ҳозиргача сақланиб қолган. Унинг ҳар бир жумласидан ҳадик-хавотир сезилиб туради: «Бутун бўлмасам, эртага ҳибсга оладилар». У онамга болаларни куз қорачигидай авайлаб-асрагани деб, қайта-қайта тайинланган, боз устига, менинг виждоним тоза, ҳеч қандай айбим йўқ деб қасам ичган эди. Афсуски, у пайтлари бунақа қасамларнинг сариқ чақачалик қиммати йўқ эди. Отамни 1 декабрь куни Москвада ҳибсга оладилар ва тез кунларда Фрунзегга келтиришиб, қамоқхонага тикадилар.

«Халқ душмани»нинг оиласи тамгаси билан овулимизга қайтиб борганимиздан сунг қўпчилик биздан узини четга тортиди. Уша замонларда биз одамлардан хафа бўлмасдик. Боз устига, биз-

га бошпана берган қариндошларимиздан бағоят миннатдор эдик.

Репрессия қариндошларимизни ҳам четлаб утмади.

Бобомиз Айтмат билан Биримқул туғишган оға-ини эдилар. Биримқулнинг учта уғли бор эди: Алимқул, Узибек, Керимбек. Алимқул менинг отамдан бир неча ёш катта эди. У Шакар қишлоқ советининг раиси лавозимида ишларди. Хуллас, Шакарга келганимизга бир ой булгач, Алимқулни ҳам «халқ душмани»нинг оғаси сифатида ҳибсга олдилар, тақдир тақозоси билан кўпинча бир мусибат иккинчи мусибатни эргаштириб келади: Алимқулдан сунг унинг милиционер бўлиб ишлайдиган укаси Узибек ҳам «халқ душмани»нинг қариндоши сифатида қамоқхонага равона булди.

Биз Москвадан қайтиб келишимиз билан оқ отамнинг укаси Рисқулбекни педагогика билим юридан ҳайдаб юбордилар. У Қорақиз эжамнинг уйида яшай



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

бошлади.

Кунларнинг бирида мен бомлод маҳали уйғониб кетдим. Қарасам, Қорақиз эжам билан онам юм-юм йиғлаб утиришибди. Йиғлайвериб қўзлари шишиб кетганди. Маълум бўлишича, ярим кечаси Рисқулбекни ҳам қамоққа олиб кетишган экан. Шундай қилиб, қисқа фурсат ичида бизнинг уруг-аймоқларимиз тўрт эркакдан маҳрум булди. Фақат хотинлару болалар қолишди, холос.

Алимқул қамоқда вафот этади. Узибек, дастлаб, Оқтуздаги қурғошин қонида ишляпман, деб хат ёзиб юборади. Уруш йилларида ундан хат-хабар келмай қўяди. Бутун бошли инсон йўқ бўлиб кетаверди...

Овул чегарасида от минган почтальон куриниши биланок биз кузимиз қинидан чиққудай бир алфозда унга термилардик: балки, отамиздан еки унинг оға-иниларидан хат келтиргандир? Почтальон узини қўярга жой тополмай қоларди. У шошиб-пишиб, тезроқ ёнимиздан утиб кетишга ҳаракат қиларди.

Бир гал Рисқулбекдан хат келди. Хат



**Болалар, сиз ёзувчи Саид Равшанни танийсиз-а? Танийсиз. Бизда ҳам унинг кўп асарлари чоп этилган.**

**— Болалигингиз, ёшлик кезларингизни тез-тез хотирлаб, эсга олиб турасизми, деб сўради ундан мухбир опангиз Феруза Одилова.**

— Болалигим қалби тоза, қайноқ, изланувчан, ростгўйлик, адолатга ташна, хиёнатни кечира билмасликка мойил ўтган. Шунинг билан бирга сир сақлай билмаслик, дўстнинг гапини ўзгаларга дoston қилиб, оқибатда пушаймон ейишлар, ўйинқароқлик, енгилтаклик, яратувчиликка ташналик, мардларча иш тутиш, ўзни ўққа-чўққа уришдан қайтмаслик, хуллас, таърифсиз хислатларим кўп эди... Болалик онларимни бот-бот қўмсаб ту-

раман. Рости, гоҳида болалигимга бутунлай қайтим келиб кетади. Болаларга атаб ёзилган «Қиронча» номли саргузашт қиссам ўзим ва қишлоқдош тенгқурларимнинг болалик кечмиши ҳақида, бўлган воқеалар хусусида ёзилган. Унда ҳозирги замоннинг ҳақиқий, ўзига хос шум болалари образи яратилган. «Қиронча»нинг иккинчи китобини яратиш ниятим йўқ эмас. Яна яқинда нашр этилган «Тунги чинқирик» детектив қиссамда ҳам ўзбек детективи жанрида бола образи киритилди ва у асарнинг бош қаҳрамонларидан бири бўлди.

**— Сиз билан болалар ўртасидаги дўстлик, фидоийлик, ростгўйлик, адолатлик, худбинлик ҳақида ҳам суҳбатлашмоқчиман.**

— Айтганларингизнинг ҳар бири хусусида ҳар қанча гапирса оз. Дўстлик хусусида: ҳақиқий, садоқатли, фидоий дўсти бўлган киши

жуда бахтиёрдир. Одатда кишининг ҳаётида бир, иккита ҳақиқий жонфидо, сирдош дўсти бўлади. Бундай фидоий дўстлар узоқ синовлар жараёнида юзга келади, бундай дўстни йўқотиш кишида жуда оғир кечади.

**Халолликка не етсин?** Доимо халоллик билан иш кўрган киши осойишта, ортиқча ўйлов-фикрсиз, ташвишсиз яшайди. Ҳамиша халолликка интилади, ҳаром ишлардан ҳазар қилади. Шу боис, бундай болалар ўзгалардан дакки, танбеҳ эшитмасликка ишончи комил бўлади.

**Тўғрисўзлик, рост-**

**гўйликка не етсин.** «Ёлғончининг юзи қора».

«Ёлғон гапнинг умри қисқа», деб бежиз айтишмайди доноларимиз. Ёлғонни пуллаб дўстни алдаш ёки, мен палон болани боплаб алдадим, — деб керилиб мақтаниб юриш одоб-ахлоқдан эмас. Ёлғон сўзлашликнинг пушаймони ҳам бўлади. Ундайлар ўртоқлари орасида тез орада ўз кадрқимматини, обрўини пайсайтириб қўяди.

**— Болаларга хос адолатлилик ҳақида нималар дея оласиз?**

— Боя айтганимдек, болаларнинг қалби жуда нозик. Унда адолат нури балқиб туради. Ҳар қандай адолатсизликни ёқтирмайди. Бир мисол: Темур исмли ўқувчи ўқитувчиси галдаги ўтиши лозим бўлган мавзунини олдиндан ўрганиб, ёдлаб олади. У шу утилган дарс юзасидан аъло баҳога жавоб берса-да, лекин муаллими унга яхши баҳо қўяди. У бундай адолатсизликка чидай ол-

майди. Синфдошларига муаллимнинг унга баҳо қўйишда ноҳақлик қилганини, у бундан ранжиганини айтади. Хуллас, унинг норози бўлгани ўқитувчи қулоғига етиб келади. Муаллими уни юпатиб, шундай дейди: «Темуржон, аслида жавобинг аъло баҳога лойиқ эди. Мен сенинг шу фанга янада яхшироқ интилишингни, қизиқшинг ортишини, пухтароқ ўзлаштиришингни инobatга олиб, яхши ниятда баҳоингни пастроқ қўйдим. Менинг фикри-ниятимни тўғри тушун...»

Темур ўқитувчисининг бундай жавобидан хурсанд бўлди.

Гоҳида дўст ёки ота-она бола фойдасини кўзлаб гапирганда дарров уни ҳақсизликка йўймаслик керак. Лекин кўра била туриб, адолатсизлик қилишса уни ҳеч бир бола ҳазм қилолмайди. Адолатсизлик туфайли қолган кўнгилини олтин билан ҳам олиб бўлмайди, деган ҳикмат бор.

**— Болаларга истагингиз?**

— Ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қила билиш, дўстини кечира билишлик, ҳамиша самимий бўлишликни истаб қоламан.



## ҚўНҒИРОК

**Қашқадарё вилояти  
Халқ таълими бошқармасига**

Ассалому алайкум, Раҳматулла ака!

Чироқчидаги навқирон «Ёзувчилар» билан учрашиб, мактаблар, боғча ва йўллар ҳақидаги маълумотларни бизга келган хатларга солиштириб, ўқувчиларнинг китобхонлигини, уларнинг қай даражада газетхон эканликларини билан чамалаб, Қаршининг равон йўллари билан қорақош, қорақўзларни йўқлаб Сизнинг оппоқ ошиёнингизга борсак... Афсус, эшиклар берк экан. Ҳайрон бўлиб турсак, узун йўладан бир йигитча чиқиб: — «Бугун шанба, иш куни эмас», деди. «Мактаблар ишларди-ку!» — дедик. — Унда яқин атрофдаги мактабларга борамиз, вақтни ўтказмайлик, шу ерда ҳам ходимлар бўлса керак, юқорига чиқайлик», деди йигитча ва у янглишмабди.

Ислом Қиёмов деган муаллим ўзларини, бошқарма бош мутахассиси, деб таништирдилар.

**— Обуна нега орқада? — деб сўрадик.**

— Орқада эмас, 1273 ўқувчи ёзилди, — дедилар хурсанд ҳолда.

**— Бир мактабда ўртача ҳисобда қанча ўқувчи бор?**

— Бир ярим минг.

**— Вилоятда мактаблар сони 1068 та экан. Умумий ўқувчилар сони 540443 нафар. Бу санокка 48683 ўқитувчилар сонини ҳам қўш-**

**сак... Ҳа, кўпгина ўқувчилар ўз устозлари билан бирга «Тонг юлдузи»ни ўқишади. Айрим мактабларда ҳар шанба куни газетхонлик бўлади.**

И. Қиёмовга газетамизда «Адолат тантанасига йўл» (94-95-сон) деган мақола чиққанлиги, унда Тошкент вилоятида обуна сустиги ҳақида гап кетгани, баҳонасида Қашқадарё вилоятида ҳам обуна кунгилдагидек эмаслиги тўғрисида гапирсак... У киши ўша мақолани ўқимаган эканлар! Ҳа, биринчи саҳифада танқидий мақола чиқса-да, ҳатто бошқармадагилар бу билан қизиқишмаса, қизиқ бўларкан! Ҳеч бўлмаса, «Қашқадарёда 424 ўқувчи эмас, мингдан ортиқ ўқувчи ўз газетасини ўқийдиган бўлди!» деб сим қоқиб қўйиларди бўлмаса!

— Муаллимжон, жуда шунчаликмас-да! Эҳтимол, СИЗ ҳам ўқимассиз газетани?

Уша мақолада: «Ҳатто қаттол большевиклар ҳам матбуотнинг бекиёс аҳамиятини биларди»... деган жумлалар бор эди.

Хуллас, Сизни ҳам болалар маънавияти учун жон куйдирувчи устоз деб биламиз. Айтишларича, ўқувчилар пахта йиғимтеримида берган кўмаклари учун уларга меҳнат ҳақлари берилибди. Ана шу ҳақ маънавият учун, ўқувчиларни китобхонликка қизиқтириш учун сарфланиши керак. Сиз нима дейсиз?

**БОШ МУҲАРРИР.**



## ТИРГАК

Бобом чорлаб ҳар замон  
Дейди: Хотам, қанисан?  
Олдига чошиб шу он  
Дейман: лаббай, мана, ман!

Қултигига елкамни  
Тираб кутаргум аста.  
Айлантириб ҳовлини  
Уйга элтгум бир пасда.

Тушаб юмшоқ курпача,  
Утқизаман авайлаб.  
Парвонаси бўламан,  
Чой бериб, сўзин пойлаб.

Бобом умри хазина,  
Ҳар бир вараги олтин  
Келажакка бир зина,  
Чақиб билдим мен тотин.

Дейман бобо, кўп яшанг  
Ҳар сўзингиз бир қисса  
Дадил қадамлар ташланг  
Булгум тиргак бир хасса...

## УЗУМНИНГ ИЛТИМОСИ

**Емоқ бўлсанг  
Бол узум,  
Танҳо қўйгин  
Бир ўзим.**

**Сувни кўп хуш  
Кўрмайман,  
Лек ўсишни  
Қўймайман.**

**Чошиб турсанг  
Ён ерим  
Кучга тўлар  
Томирим.  
Чириган гўнг —  
Озуқам.  
Эски тупроқ —  
Жону тан.**

**Шунга берсанг,  
Эътибор,  
Тўлар шарбатга  
Омбор.**

Обид ОТАШ,  
Фаргона тумани,  
Каптархона қишлоғи.

# ЁШ ИҚТИСОДЧИ

## YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова  
иқтисодий газета



„Ёш иқтисодчи“лар „йил ўқитувчиси“ кўрик-танлови  
иштирокчиларини беллашув билан қизғин қутлайдилар

### ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

Кеча Республика  
Таълим марказида “Йил  
ўқитувчиси” кўрик-  
танловининг якуний  
босқичи беллашувлари  
бошланди.

Ўзбекистонимизнинг ҳар бир ўқитувчиси аслида зўр. Ҳаммамиз учун сеvimли. Шундай бўлса-да, Халқ таълими вазирлиги ва бир қанча ташкилотлар ҳамкорликда энг илғор, билимдон муаллимни аниқлаш, унинг тажрибаларини оммалаштириш, маънавий дунёси бой азиз устозларни элга ибрат қилиб кўрсатиш мақсадида ҳар йили “Йил ўқитувчиси” кўрик-танловини ўтказиб келмоқда.

Бу йил ҳам эрта баҳордан бери истеъдодли муаллимлар аввал мактабларида, унда ютганлар туман миқёсида, сўнг вилоят миқёсида ўзаро беллашишди.

Нихоят, вилоятлар ғолиблари бўлган 14 нафар муаллим кеча пойтахтга тўпланишди. Улар дунёқарашлари даражасини аниқловчи кенг қамровли тест синовидан ўтдилар, бугун ҳаётдаги қизиқишлари, адабиёт, санъат ва хунармандчилик бобидаги маҳоратларини намойиш этишади. Эрта-индин эса янада масъулиятли: кўрик қатнашчилари пойтахтимиздаги намунали мактабларда ўқувчиларга очик дарслар ўтиб, педагогик маҳоратларини амалга кўрсатадилар.

Ёш иқтисодчилар кўрик-танловда майдонга чиққан устозларнинг ҳаммаларини фақат 1-ўринда кўришни орзу қиладилар.  
**М.ПИРМАТОВ.**



### ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз болалар, сизу бизга таниш бу ном қулоғимизга анчайин ёқимли эшитилади. Чунки бундан 4 йил муқаддам Япония ўйингоҳларида бўлиб ўтган XII Осиё ўйинларида юртимиз спортчилари илк бор қатнашиб, бутун Осиёни ўзларига қаратган эдилар. Шунда кўплаб медаллар шодасини қўлга киритган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида 5-ўринни қўлга киритгандилар. Айниқса, “энг зўр бўлган” футболчиларимиз оламшумул натижалари билан қадим Осиёни шов-шув оламига чўлғаган эди...

Мана бир неча кундан буён “фаришталар юрти” Таиландда навбатдаги XIII Осиё ўйинлари

мусобақалари қизғин давом этмоқда. Катта нуфузга эга Осиё ўйинлари тарихида “Бангкок-98” ўтказилаётган спорт мусобақалари турлари ва спортчилар сони бўйича рекорд натижани қайд этди. XII Осиё ўйинларига қараганда, бу йилги мусобақалар ҳар жиҳатдан юксалиш касб этмоқда. Ватанимиз шарафини эса 23 та спорт тури бўйича кўплаб маҳоратли спортчиларимиз ҳимоя қилишмоқда. Ҳозирча бир нечта олтин кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида 10-ўринда боришмоқда.

**Камол ОЛЛОЁР.**



1946 йил БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти) инсон ҳуқуқлари Декларациясини яратиш учун махсус комиссия тузди. Унинг таркиби БМТга аъзо 18 мамлакат вакилларида иборат эди. Одамзотнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини ифодаловчи, ҳимоя қилувчи фикрлар жамлашиб, 400 босма табоқ ҳажмли

### “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ” КИТОБЛАРИ ЮРТИМИЗ БОЛАЛАРИГА СОВҒА ЭТИЛДИ

ҳужжат лойиҳаси пайдо бўлди. Бу фикрлар 2 йил давомида қайта-қайта муҳокама қилиниб, ихчамлаштирилди, таҳрирдан чиқарилди. Натижада лўнда фикрли қисқа жумлаларда ифодаланган бир неча саҳифадан иборат ҳужжат яратилди. Бу - инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидир. У 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинди.

Бу мўтабар ҳужжат, мана 50 йилдан бери дунёдаги ҳамма

одамларнинг, жумладан ҳар бир кишининг асосий ҳуқуқий қалқони бўлиб хизмат қилаётир.

Яқинда бу бебаҳо ҳужжат ўзбек ва рус тилларида нашр этилиб, сиз азиз болажонларга ёқадиган шаклда, сифатли қоғозларда босилиб чиқди. Декларациянинг 50 йиллиги муносабати билан нашр этилган бу китоб ҳуқуқий, демократик давлат кураётган халқимиз болаларига муносиб ҳуқуқий қўлланма бўлиши шубҳасиз.

УШБУ СОНДА:

„ИҚТИСОДИЁТДАН  
САБОҚЛАР“

7-БЕТ

СИР-СИНОАТ.  
МАСЛАҲАТ.  
ЖАВОҲИРОТ  
САНДИҒИ.  
БОШҚОТИРМА.

8-БЕТ

Муқаддас Хусанова ўта таъсирчан, лекин оғир-вазмин қизалоқ. Унинг қоп-қора кўзларидан теранлик ёғилиб туради. Ўзи камгап.  
ШОИРАЛИК ДАМОЛАТИ

9-БЕТ

Ўқувчилар охириги икки йилда хоҳишларига кўра 5-8 фандан имтиҳон топширишни мустақил танлайдилар.  
ИГНА БИЛАН  
ҚАЗИЛГАН ҚУДУҚ

10-БЕТ

Мен ўзимни таништираман-ку! Мен бугун тонгда “Дзебра” сайёрасидан учиб келиб, нариги уйнинг томига қўнган эдим.  
ҲАММА НАРСА АНА  
ШУНДАН БОШЛАНДИ!

11-БЕТ

ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ

12-БЕТ


Чекмасдан ёшлик гаштини сур!

## ХАТАРЛИ ЙЎЛДАН ҚАЙТИНГ ! Тамаки чекманг!

Американи биринчи бўлиб кашф қилган сайёҳ Христофор Колумб ва унинг дўстлари, маҳаллий аҳолининг қандайдир ўсимлик барги тутунини ичларига тортаётганларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашган. Бу "жозибали" ўсимликни маҳаллий аҳоли "табако" ва "сигаро" деб номлашган. Сайёҳлар Европага қайтаётганларида ўзлари билан бирга тамаки уруғини олиб қайтганлар. Бу воқеа 1492 йилда содир бўлган эди...

Лекин, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, тамакининг сеҳрли кучи бутун Европани эгаллаб олди. Тамаки чекиш расм тусига кира бошлади. Тамакининг сеҳрли кучи нимада?

Унинг энг муҳим ва асосий заҳарли моддаси бу никотин алколоидадир. Никотин соф ҳолда кучли заҳарли таъсирга эгадир. У организ-



мга кирганда бир сониялик кўтаринкилик, енгиллик кайфиятини юзага келтиради. Тамакига бир ўмр ёпишиб, ҳамроҳ, дўст бўлиб қолишнинг муҳим белгиси шудир!

Шу қадар заҳарли нарсани чекиб, катталар нима фойда кўришяпти экан? Тамакининг турган-битгани зарар-ку! Шу тамаки туфайли мунтазам такрорлаб турадиган бош оғриғи касаллиги бошланади, кўнгил беҳузур бўла бошлайди, киши беҳол бўлиб қолади, асаблар ортиқ даражада бўшашиб кетади ва ҳоказо.

Катталарни қўя турайлик, ёш қиз ва ўғил болаларнинг чекиб турганини кўрсам, эгим сесканиб кетади. Айрим мактабларнинг 8-9 синф ўқувчилари беркитиб, танаффус пайтида кўчада чекиб ўтиришади. Юқори синф болаларини айтмасак ҳам бўлади.

Бир куни дарслар тугагач, уйга қайтаётган эдим. Боғчадаги "Болалар майдонча"сида учта 3-4 - синфларда ўқийдиган ўқувчилар ўтиришган экан. Уларни кўриб мен: "Майдончага ўйин ўйнаш учун келишган бўлишса керак" деб ўйладим. Мени тўхтатиб "Гугуртдан борми?" деб савол берганларида ҳайратдан қотиб қолдим. Кўлларида сигарет борлигини кейин пайқабман. Бу болалар иссиққина уйда бадий китоблар ўқиб, ота-онасининг


юмушларини енгиллаштириб, укасингилларига қараб ўтиришса бўлмасми?! Нега бугунги ёшларнинг айримлари шундай? Нега? Мустақил Республикамининг номини дунёга танитмоқ учун ҳиссамни кўшайин, деб ҳаракат қилишмайди-ми?! Шундай бўлган тақдирда ҳам Ўзбекистон Республикасининг порлоқ келажаги бизнинг, яъни ёш, энди улғаяётган авлод кўлида. Мустақил Республикамининг донгини дунёга таратадиган ёшлар орамизда ҳали кўп. Лекин... афсуски!

Тўғри, хато қилаётган бундай болалар бармоқ билан санарли миқдорда. Бирок, қанча бўлса ҳам, барибир улар ҳам халқнинг бир бўлаги. Бизнинг тенгдошларимиз. Келажакни яратувчи бизнинг авлодимиз-да! Мен сафимиз ҳозирдан соғлом, тоза бўлишини истайман. Соғлом ниҳолларгина дуркун боғ яратади.

Кўзингизни очинг, дўстларим. Хатарли йўлдан қайтинг!

**Нигора ЮСУПОВА,**  
300-лицей-мактабнинг  
9 - "А" синф ўқувчиси.

# УРИШҚОҚЛАР ВА ТОМОШАБИЧЛАР



Дугонам билан равонда суҳбатлашиб ўтиргандик. Кулоғимга бақириқ-чақириқ овози эшитилди. Ҳайрон бўлиб деразани очиб қардим. Не кўз билан кўрайки, маҳалламизнинг кичкинтойи Сардорнинг кўзлари жиққа ёш. Сардор 10 ёшда бўлса ҳам жуссаси жуда кичик. Ёнида акиси Қудрат ва унинг ўртоғи Аҳрор турарди. Улар тахминан 18 ёшда. Сардор уларга бўлган воқеани тушунтиролмади, фақат йиғлар, Қудрат бўлса укасига бақирар, "Қайси бола, гапир", - деб такрорларди. Кейин

унга бўлган воқеани тушунтириб беришди. Кўшни маҳалладаги 15 ёшли Акмал исмли бола Сардорни битта тишини уриб синдириб қўйибди. Қудрат ва Аҳрор Акмални олди кетишди. Акмал эса бўлган воқеани тушунтириб, улардан кечирим сўраш ўрнига "уканг ўзининг маҳалласида ўйнасин, бировни маҳалласида ўйнаса шундай бўлади", деди.

Укасининг бу аҳолини кўриб ҳам чидаган Қудрат Акмалнинг бу гапига чидай олмай, унга бир икки шапалоқ тортиб юборди. Акмал

йиғлаб уйига кириб кетди. Шу пайт унинг отаси Собит аканинг "қайси бири?" деган қаҳрли овози бутун маҳаллани тутди. У кела солиб Қудратнинг ўртоғи Аҳрорга ёпишиб кетди, унинг қўйлагини ечиб, йиртиб ташлади. Чунки, Собит ака ўғлини Аҳрор урган деб ўйлади-да! Санжар "Дада, униси эмас", - деди. Собит ака буни тушунди ва Қудратнинг ёқасидан тутди, 2-3 шапалоқ урди. У қочиб ўзининг маҳалласига югурди. Шунда Собит ака "Ишонганини олиб кел!" деб орқ-

асидан бақирди. Қудрат ён қўшниси бўлмиш Қобил акасини чақирди. Улар уйда йўқ эканлар. Ундан ҳам яхши томони шундаки, Қудратни ота-онасининг уйда йўқлиги. Агар улар уйда бўлишганда бу урушнинг охири нима билан тугарди.

Шунда Акмалнинг онаси Муяссар опа ёмон гаплар билан Қудратни сўкиб келаяётганига кўзим тушди. Унинг бу гапларидан кулоғимни ёпдим.

Маҳаллада ҳаддан ташқари одам кўп тўпланди. Маҳалламиздаги катта ёш кишилар ва Қудратнинг амасиси пайдо бўлишди. Яна унинг қўшнилари келиб Собит ака ва Муяссар опаларга тушунтира кетишди. Қудратни маҳалла кўмитаси расаси бўлмиш Сурайё опа четга олиб шундай деди: "Кечирим сўра, ўғлим!" Қудрат Акмалнинг ота-онасидан кечирим сўради ва Сардорни уйига олиб кетди. Шунда ҳам одамлар негадир тарқамасди.

### СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

*Нега ака-укалари, ўртоқлари уришаётган болаларни ажратиб қўйишмади?*

*Болаларининг ораларига ака-укалари, ота-оналари тушиб, улар ҳам ўзаро муштлашиб кетишлари тўғрими? Шартми? Бу - болаларнинг айбими ё катталарнинг хатосими?*

*Нима учун йиғилган бир кўча одам қизиққон, жанжалкашларни ажратиб қўймади? Аксинча, ҳамма қараб турди? Шоир Абдулла Орипов ёзганидек "Нечун томошага бунчалар ўчмиз?"*

*Энг муҳими: наҳотки бир маҳалла боласи иккинчи маҳаллада сайр қилиши, ўйнаши мумкин бўлмаса? Наҳотки?..*

Гўзал ТУРСУНОВА,  
Акмал Икромов туманидаги  
106-ўрта мактабнинг  
9-синф ўқувчиси.

### Жавоҳирот сандиғи

## БИР ХОВУЧ ОЛТИН

*Садоқатли дўстлар кўзга ўхшайди: иккиси баравар йиғлаб, баравар кулади.*

\*\*\*

*Яхши дўст денгиз қоясига ўхшайди. У ҳар қандай зарбалар етганда ҳам мустаҳкам туради.*

\*\*\*

*Содиқ дўст етти хазинадан ҳам қиммат, уни авайлаш керак.*

\*\*\*

*Дўст дардига ҳамдам бўлган одамни чин дўст деб билиш керак.*

\*\*\*

*Дўст қадрини билмаган чин дўст тополмайди.*

\*\*\*

*Чин дўстининг кўнглига сира озор берма.*

\*\*\*

*Бинони қуриш қийин, бузиш осон бўлганидек, дўст бўлмоқ ва садоқат кўрсатмоқ қийин, дўстлик ривожини эса бир сўз билан барбод қилиш мумкин.*





МАКТУБЛАРИНГИЗНИ  
 КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
 ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:  
 700029, Тошкент шаҳри,  
 Мустақиллик майдони,  
 2-уй, 402-хона,  
 (Музаффар ПИРМАТОВга)

**ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР**

Янги ўқув йилидан бошланган  
 “Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаби конкурси  
 давом этмоқда.

Конкурс “Ёш иқтисодчи” шлова газетаси ва конкурс лойиҳаси муаллифлари,  
 фан номзодлари **Эргашвой САРИҚОВ** ва **Баҳодир ХАЙДАРОВ**лар билан  
 ҳамкорликда уюштирилмоқда.

Конкурс бутун ўқув йили давомида олиб борилади. Газетамизнинг ҳар  
 бир сонидан конкурс топшириқлари ва топшириқларни бажаришингиз учун  
 зарур бўладиган назарий материаллар бериб борилади. Сиз ўз навбатида  
 топшириқ варақаларини тўлдириб, тахририятга юборишингиз лозим. Агар  
 газетамизга обуна бўлмаган бўлсангиз, ҳозирча мактаб кутубхонасидан

газетани топиб, қўлда ёки ксероксда кўчириб олиб, топшириқ варақаси-  
 ни тўлдириб, бизга йўллашингиз мумкин. Оралиқ якунлар ҳар ойда эълон  
 қилиб борилади. 3-4 та газетада берилган топшириқларни тўлаб, 1 та  
 хатжилда юборишингиз ҳам мумкин.

Конкурс ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан кўйидаги мукофотлар  
 таъсис этилган:

1-ўринни эгаллаган ўқувчига -  
 телевизор;

2-ўринни эгаллаган ўқувчига -  
 стерео магнитофон;

фаол қатнашган 10 та ўқувчига -  
 аудио-плеер

Конкурснинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг апрель ойида  
 ўтказилади.




**12 - ДАРС**

**БОЗОР ТУШУНЧАСИ**

Ҳеч деҳқон бозорига кириб кўрган-  
 мисиз? Эътибор берган бўлсангиз,  
 бозорда икки тоифадаги одамларни  
 учратиш мумкин. Биринчиси - савдо  
 расталарига ўз маҳсулотларини, то-  
 варларини ёйиб ўтирган - **сотувчи-  
 лар**, иккинчиси - ўзларига зарур то-  
 варларни сотиб олиш учун бозорга  
 келган **харидорлар**.

Сотувчиларнинг мақсади - товарла-  
 рини пулга алмаштириш, яъни товар-  
 ларини сотиш, харидорларнинг мақ-  
 сади эса - пулларини ўзларига керак-  
 ли товарларга алмаштириш, яъни то-  
 варларни сотиб олиш.

Сотувчи билан харидор ўртасида  
 товарни пулга алмаштириш жараёни-  
 ни, бошқача “олди-сотди” деб ҳам  
 аташади.



**Олди-сотди.**

Товарларнинг олди-сотдиси бозор-  
 ларда амалга оширилади.

Сиз одамлар гавжум бўлиб, савдо-  
 сотиқ қиладиган жой сифатида, деҳқ-  
 он бозори, автомобиль бозори, кий-  
 им-кечак ва буюмлар бозори каби  
 бозорларни яхши биласиз. Шундай  
 бўлсада, иқтисодиётда бозор тушун-  
 часи яна-да кенгроқ маънода ҳам иш-  
 латилади.

Ҳамма сотувчи ва харидорлар ўрта-  
 сидаги жами олди-сотди жараёнларни,

битта ном билан **бозор** деб атаймиз.

Демак, бозор иқтисодиётнинг икки  
 қутби - ишлаб чиқариш ва истеъмолни  
 товарлар олди-сотдиси билан боғлаб  
 турадиган жараён экан.


Бозорда бу икки томоннинг қайси  
 бири сотувчи, қайси бири харидор  
 ҳисобланади? Бу жараёнда ҳар иккала  
 томон, ҳам харидор, ҳам сотувчи си-  
 фатида иштирок этади.

Ишлаб чиқарувчи - корхона бир то-  
 мондан ишлаб чиқариш воситаларини  
 бозордан сотиб олиб истеъмол қилса,  
 иккинчи томондан ишлаб чиқарган  
 товарларини бозорга олиб чиқиб сота-  
 ди. Масалан, ун заводи ўзи учун ке-  
 ракли бино, тегиримон ускуналари,  
 буғдойни ва ишчи кучини бозордан  
 сотиб олади, яъни бозорда харидор  
 сифатида иштирок этади. Шу билан  
 бирга, буғдойдан ун ишлаб чиқариб,  
 уни бозорда сотади, яъни бозорда со-  
 тувчи сифатида ҳам қатнашади.

Истеъмолчилар - асосан аҳоли,  
 ўзлари учун керакли истеъмол товар-  
 ларни бозордан сотиб оладилар. Ик-  
 кинчи томондан, аҳоли ишчи ва хиз-  
 матчилар сифатида корхоналарда  
 меҳнат қилиб, эвазига маош кўриниш-  
 да пул олади, яъни иш кучини сотади.

Бозорда давлат, жамиятнинг бошқа-  
 рув органи, табиий ресурслар эгаси  
 сифатида алоҳида ўрин тутади. Шу  
 сабаб, давлат бозорнинг учинчи ишти-  
 рокчиси сифатида алоҳида ажратила-  
 ди. Давлат ҳам бир томондан табиий  
 ресурсларни, давлат идоралари ва  
 маҳкамаларининг хизматларини сотса,  
 иккинчи томондан давлат корхоналари  
 эҳтиёжлари учун бозордан товарлар,  
 хизматлар ва ишчи кучи сотиб олади.

Шу тариқа, бозорнинг ҳар уччала  
 иштирокчиси орасида “олди-сотди”  
 жараёни содир бўлиб, бозор доимий  
 ҳаракатга келиб туради.



**12 - ТОПШИРИҚ**

**БОЗОР ТУШУНЧАСИ**

1. Кўйидаги жумлаларни тўлдириг.

Бозорда асосан икки тоифадаги одамларни учратиш мумкин.

Биринчиси \_\_\_\_\_, иккинчиси \_\_\_\_\_  
 Биринчисининг мақсади \_\_\_\_\_  
 Иккинчисининг мақсади \_\_\_\_\_  
 “Олди-сотди” деб, \_\_\_\_\_ га айтилади.

2. Жадвалнинг биринчи устунида келтирилган товарларнинг харидори ва со-  
 тувчисини аниқлаб, жадвали тўлдириг.

N	Товарлар	Сотувчиси	Харидори
1	Ишчи кучи		
2	Табиий ресурслар		
3	Электр энергияси		
4	Телевизор		
5	Нон		
6	Таълим бериш тизими		
7	Соғлиқни сақлаш хизмати		
8	Ихтиролар		


3. Бозорни тор ва кенг маънода қандай тушуниш мумкин?

а) тор маънода: \_\_\_\_\_  
 б) кенг маънода: \_\_\_\_\_

4. Давлат бозорга ўзининг қандай хизматларини таклиф қилади ва бу хиз-  
 матлар учун қай тартибда ҳақ олишини тушунтириг.

Жавоб: \_\_\_\_\_

5. Бозор иқтисодиётининг қандай икки қутбини товарлар олди-сотдиси би-  
 лан боғлаб туради?



6. Бозорда кўйидагилардан қайси бирлари харидор, қайси бирлари сотувчи  
 бўлиши мумкин?

Фирма, фермер, деҳқон хўжалиги, ишчи,  
 соғлиқни сақлаш вазирлиги, оила, шоир, корхона  
 солиқ инспекцияси, милиция, мудофаа вазирлиги,  
 электростанция, мактаб, боғча, дам олиш лагерлари.

Жавоб: \_\_\_\_\_

7. Мавзунинг назарий қисмида келтирилган расмни қандай тушунасиз? Изоҳ-  
 ланг.

Жавоб: \_\_\_\_\_

8. Тўғрисини топинг.

Бозорда

- А) Ишлаб чиқарувчи - фақат сотувчи
- В) Ишлаб чиқарувчи - фақат харидор
- С) Истеъмолчи - фақат сотувчи
- Д) Истеъмолчи - фақат харидор
- Е) Истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ҳам харидор, ҳам сотувчи сифатида иштирок этади.

Исм-шарифингиз \_\_\_\_\_  
 Манзилингиз, мактабингиз ва синфингиз \_\_\_\_\_



Тома-тома  
кўл бўлур

### ЎЛИК ДЕНГИЗЛАР

Сув бор жойда, албатта, ҳаёт муқаррар, деган ақида ҳамиша ҳам тўғри келавермайди. Бунга ўлик денгизларни мисол қилиб келтиришингиз мумкин.

Ўлик денгизлар деб абадий музликлар қаърида мавжланаётган сув ҳавзаларига айтилади. Ўлик денгизга 1000 км<sup>2</sup> майдонни эгаллаган Яқин Шарқдаги кўл мисол бўла олади.

Бу денгиз сувининг шўри бошқа сувларга қараганда меъёрдагидан бир неча баробар юқори. Унинг бир литрида 270-310 гр. туз бор. Бу дунёдаги энг шўр сув. Шу сабабли ҳам бу сувда баъзи бактериялардан ташқари бирорта мавжудот яшай олмайди.



Билиб қўйинг

## НОМИ ЎХШАШ ТОҒЛАР

ЎКИ ЭЛЬБРУС ЧЎҚҚИСИ - БОШҚА, ЭЛЬБРУС ТОҒИ - БОШҚА



Тилда ўхшаш сўзлар кўп. Ёзилиши айнан бир хил сўзлар омонимлар, яъни шаклдош сўзлар дейилади (туз - ош тузи; туз - харита туз ёки ош-палов; ош - довондан ош каби). Баъзи сўзлар эса тузилишида озроқ фарқ бўлса-да, бир хил талаффуз этилади (соп - кетмон сопи; соб (бўлди) - тугади ва ҳ.к.). Бундай сўзлар омографлар деб номланган. Тилда яна шундай сўзлар ҳам борки, улар бир хил ёзилса-да, бошқача талаффуз эти-

лади (ток - узум; ток (тўк) - электр токи ёки том - уй томи; том - (китоб) жилди ва б.).

Сиз камроқ маълумотга эга бўлган яна бир тил ҳодисаси бор - уни илмий тилда паронимлар деб юритилади. Бу ёзилишида озроқ фарқи бору лекин талаффузи ўхшаш сўзлардир. Уларни яхши ўзлаштириб, ўрганиб олмасангиз, ҳаётда ноқулай аҳволга тушиб қолишингиз ҳеч гапмас.

Келинг, ана шундай ўхшаш сўзлардан бир жуфтани фарқлаб, билиб олинг.

ЭЛЬБРУС чўққисини биласиз. У Катта Кавказдаги баланд тоғ худуди (энг баланд нуқтаси - 5642 метр). Бу худуд Эльбрус чўққиси дейилади, у сўнган вулқонни эс-тади.

Дунёда номи Эльбрусдан фақат битта ҳарфга фарқланадиган тоғ ҳам бор. Унинг баландлиги 5604 метр. Бу тоғнинг юқори чўққиси ҳам вулқон. У вулқон Деваменд деб аталади.

Каспий денгизнинг жанубий соҳилидаги ЭЛЬБРУС тоғлари ҳақида бораётганини сездингиз, албатта. Ҳа, бу Эльбрус тоғи. Эльбрус чўққиси эмас! Унутманг. Энди бу 2 сўзни аслидагидек талаффуз қилмасангиз бўлмайди. Акс ҳолда, билимсизга айланиб қолишингиз мумкин.

Ошхона



### ПАЗАНДА МАСЛАҲАТЛАРИ


Ёғли, гўштли таомлардан, балиқ егандан сўнг совуқ сув ичиш ярамайди. Бу вақтда қайноқ чой, хусусан кўк чой чанқоқни яхши қондиради.

Пўчоғи дарз еган тухумни тузли сувда пиширсангиз, у ёрилиб кетмайди.

Картошка, карам сингари сабзавотларни, хамир овқатларни ҳайвон ёғида, гўштли таомларни, балиқни эса ўсимлик ёғида пиширилса мазали бўлади.

Гуручни юваётганда сувга 1-2 қошиқ туз қўшиб юборинг, шунда гуруч яхши тозаланади.

Қолган қовурма, шавла, палов каби таомларни иситаётганда унга бир бош пиёзни тўғраб, қўшиб юборинг. Бу овқатни янгилайди.



Сир-синоат

## КАЙНОК... КАЙНАР БУЛОҚЛАР

Табиий иссиқ қайнар булоқни кўрган кишилардан бири шундай деб ёзган:

"Кичкинагина булоқлар фавворадек отилар ва қулқулар эди... Кимдир унинг "кўзи"га бир қути қуруқ чойни итқитди - шу заҳоти "қайнаб" чиқаётган сув қип-қизил чойга айланди-қолди. У жуда хуштаъм эди. Кимдир шу яқин орадаги дарёдан балиқ тутиб келди ва уни ҳам қайнар булоққа ташлади. Бир оздан сўнг балиқ ҳам пишиб, мазали таомга айланди".

Бундай суви қайноқ булоқларни фан тилида гейзерлар деб юритилади. Улар сўнган вулқонлар ўрнида ҳосил бўлган булоқлардир. Бу иссиқ булоқлар вақти-вақти билан отилиб туради. Дунёнинг тўрт худудида гейзерлар бор. Улардан бири - Камчаткада. Иккинчиси - Исландияда бўлса, учинчиси Янги Зеландияда. Америка Қўшма Штатларидаги Киррадор тоғлар бағридаги Йеллоустон Миллий боғида эса йирик қайноқ булоқлар ва иссиқ сув манбалари 3000 тадан ортиқ. Эксельсуор гейзери булоғи оқимининг бўйи 90 метр.

Маслаҳат

### УШУК УРМАСИН,

яъни совуқ урмасин десангиз...

Ўта совуқда, ё қуруқ совуқда, ҳатто шабада-да узоқ вақт юрган одамнинг юзи, қулоғи ёки оёқ-қўл панжалари совиб, қотиб уюшган каби кам ҳаракат бўлиб қолиши мумкин. Бунда кўпроқ ўша ушук урган жойнинг териси ранги оқ-сарик тусга киради.

Тор пойафзал кийганда, камарни тортиб бойлаганда ҳам одамда қон айланиши бузилиб, шунанга ҳолат юз бериши мумкин. Шунинг учун ҳаво совуқ пайтларда одам кенг ва қуруқ пойабзал кийиши зарур. Ортиқча чарчаш, очлик ва мастлик ҳолатларида ҳам инсон организми совуқ уришига мойил бўлади.

Кучли совуқ кунларда узоқ вақт кўчада юрадиган кишилар оёқ кийимини кийишдан олдин пайпоғи устидан оёғини газета билан ўраб олишларини маслаҳат беремиз. Юз, қулоқ ва қўл-оёққа ғоз, чўчка ёки балиқ ёғи суртиб олиш керак. Агар бундай ёғлар топилмаса, вазелин бошқа ёғли крем суртиш ҳам фойдали.

Мабодо, бирор жойингизни совуқ урганини сезиб қолсангиз, ўша заҳоти бу "караҳт" ерни жун қўлқопми, шарфми ёки рўмол билан яхшилаб, тез-тез ишқаланг, токи музлаган узвингиз (органингиз) қизариб, сезадиган бўлсин. Иссиқроқ хона топиб, ўша ерда ишқаланган маъқул. Ишқалаб "ҳаётга қайтарилган" тери юзига бирор хил ёғ суртиб қўйинг. 15-20 минутдан сўнг уни қуруқ пахта билан артиб ташланг. Агар қўл ёки оёғингиз панжалари шунда ҳам "жонлан"маса, хона ҳароратидаги сувга солиб ванна қилинг, сўнг сувнинг ҳароратини 37-38 даражага кўтаринг.

Бир марта совуқ урган жойни яна совуқ қоттириб қўйишдан сақланинг. Совуқ кунларда кўчага чиқишдан олдин аввал ушук урган узвингизни ароқ, одеколон ёки камфора спирти билан артиб ишқаланг. Тор пойабзал, кийим ва қўлқоп кийманг.



Жавохирот  
сандиғи

Ёшлигингда ғайрат қил,  
Қариганда ўзинг биласан.

Ёшлиқнинг қадри кексайганда билинади.

Ёшлиқда берсин меҳнат,  
Қариганда берсин давлат.

Ёшлиқда ўрганган хунар,  
Ўзингга ўлжага қолар.

Ёшлигимда меҳнат бер,  
Қартайганда - қувват.

Ёшлиқда ғайрат - кексалиқда роҳат.

Бошқотирма

## ДОМИНО-РОМ

Расмда домино тошларини ўйин қондасига мувофиқ тарзда жойлаштириш йўли билан ясалган домино-ром акс этган. Бу ром квадрат шаклда, яъни 4 томонининг узунлиги баб-баравар. Бирок, томонлардаги ўйиқлар сони эса бир хил эмас: юқоридаги ва чап томонда очколар сони 44 тадан, қолган 2 томон очколари эса - 59 ва 32.

Берилган тошлар ёрдамида ҳамма томонидаги ўйиқлар сони бир хил, яъни 44 очколик квадрат ҳосил қила оласизми?



Тошкент шаҳридаги 28-мактаб  
 ижодкор-ўқувчилари - меҳмонимиз

**ШОИРАЛИК ДАЛОЛАТИ**

Муқаддас Хусанова ўта таъсирчан, лекин оғир-вазмин қизалоқ. Унинг қоп-қора кўзларидан терапик ёғлиб туради. Ўзи камгап. Бир оз маънос туюлгучи чехраси ўта иродали, яъни Муқаддаснинг ҳафа бўлагини ҳам, севинганини ҳам юзига қараб англаш қийин. Лекин бунақа ҳолатларда у беш-ўн дақиқа ичида 5-6 та "шеър" ёзиб ташлайди. Тўғри, бу доно қизчанинг ўша дақиқаларда ёзган "асар"лари анча гўр, тахрирга муҳтож қоралар бўлади. Бироқ, уларда қизалоқнинг кўнглидан кечган туйғулар "мана-ман" деб товланиб туради. Бу - Муқаддаснинг энг ишончли дўсти - қалами борлигидан далолат. Бу Муқаддас шоира экани аломати. Оллоҳ ато этган бу нодир жавоҳирни асраш, парваришлаш Муқаддаснинг ўзига боғлиқ. Нав-ниҳол шоирани раб, камол топтириш эса уни ўраб турган муҳитга, жумладан, Сиз билан бизга ҳам боғлиқ.

Шу сабабдан ҳам Муқаддаснинг илк шеърларини сизга топширишга аҳд қилдик, азиз ўқувчилар!

Мукаррама МУРОДОВА.



**ОЛТИН КУЗ**

Мана, олтин куз келди,  
 Шамол ҳам аста елди.  
 Қуриётган дарахтлар,  
 Ўт кетгандек тарақлар.

Пишиқчилик паллада,  
 Бизлар чиқдик далага.  
 Гижинглашиб чопишдик,  
 Ҳазонаклар топишдик.



**ҚИШ ЎЙИНЛАРИ**


Қиш ўйинлари  
 Жуда, жуда кўп.  
 Болалар ўйнар,  
 Берилиб, тўп-тўп...  
 Сирпанчиқ айтар:  
 "Уч, менда, кўп-кўп".  
 Офтоб қайтарар:  
 "Мумкинмас, йўқ-йўқ".



**ЖЎЖА**

"Сап-сариқ жўжа  
 Овқатга ўч, жа!" -  
 Дея болалар,  
 Масхара қилар.

Кечаси жўжа,  
 Қидирар ўлжа...  
 Еб яхши овқат,  
 Ўсди бақувват.



**ИШКАЛЧИ**

Бир дўстим бор - кўнгли тор  
 Ўйинларни бузади,  
 Ёмонликлар тузади.  
 Ўртоқларин чақириб  
 Қалтис ҳазил қилади.  
 Юз, бетлари қоп-қора  
 Оқарсайди, оҳ, зора!  
 Ҳамма кулар қиқирлаб,  
 Урса қочар питирлаб.

**ДЎСТ ТУТИНИШ ЁКИ  
 ЮЛДУЗ СЎЗИ**

Осмондан кузатаман,  
 Сизга йўл кўрсатаман.  
 Кўринмайман кундузда,  
 Менинг исмим Юлдуз-да!

Онамиз оймома - ой,  
 Биз юрамиз мисли той.  
 Осмонда юлдузлар кўп,  
 Ўйнаймиз бўлиб тўп-тўп.

Ҳавас қилсангиз бизни,  
 Ўртоқ қиламиз сизни.  
 Ким-кимга юрса яқин,  
 Унга ўхшаб қолар чин.

Биз томон шайлансангиз,  
 Юлдузга айланасиз.

Нодир СУЛТОНОВ,  
 6 - "В" синф ўқувчиси.



**ВАТАНИМ**

Тупроғингни, ҳой бўстон,  
 Ўпаман, мен гулистон.  
 Соғ-омон бўлгин доим,  
 Ватаним - Ўзбекистон!



**ОНАЖОНИМ**

(кўшиқ)

Тунларингиз бедор ўтди,  
 Қошимизда, онажон.  
 Сизни асраш вақти етди -  
 Бошимизда, онажон.

**НАҚОРАТ:**

Онажоним - меҳрибоним!  
 Меҳрибоним - онажоним! } 2 марта

Тезроқ катта бўлгин, дейсиз,  
 Шамол тегсин бағримга.  
 Ойдек нурга тўлгин, дейсиз,  
 Тилайсиз оқ тақдирлар.

**НАҚОРАТ**

Ҳар сўзиниз - бизга фармон  
 Бизга хизмат буюринг.  
 Кўнглингизда қолмай армон,  
 Доим иззатда юринг!

**НАҚОРАТ**



**ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАР**

(кўшиқ)

Таърифингиз беқиёс,  
 Истеъдодли болалар!  
 Кўнглингиз қилар парвоз,  
 Санъаткор гул-лолалар!

**НАҚОРАТ:**

Ота-она фаҳрисиз,  
 Сиз Ватаннинг жамоли.  
 Халқнинг умид баҳрисиз,  
 Сизда юртим камоли.

Бастакорсиз, чеварсиз.  
 Ҳам рассомсиз, ҳам шоир.  
 Орзулашни севарсиз,  
 Яратасиз жавоҳир.

**НАҚОРАТ**

**ТУВАҚДАГИ ГУЛ**

Бир тувагим бор эди,  
 Таги ёниқ, тор эди.  
 Гул эксалар бўларди,  
 Икки кунда сўларди.

Бор озуқани олиб,  
 Барглари сўлиб қолиб,  
 Сўрайди биздан нажот:  
 "Озиқ бергин, одамзод".

Муқаддас ХУСАНОВА,  
 6 - "Е" синф ўқувчиси.



**ЎЙИН БАҲОНАСИДА**

(ҳикоя)



Биз мактабдан уйга қайтаётгандик. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Шунақа қалин. Шундай чиройлики... Кўчамиз бошига етганда чидаб туролмадик. Қорбўрон ўйнагимиз келди. Комил амакилар томидан тушган қор уюмидан бошлаб сирпанчиқ учгимиз келди. Сумкаларимизни ечиб, дарахт тагига қўйдик. Кўртка билан телпагимизни ҳам ечиб, унинг устига иргитдик. Енгил бўлиб, мазза қилиб ўйнаётгандик, кўчанинг рўпарасидаги дўкондан кўшни ўртоғим Санжар чиқиб қолди. У нон олиб келаётган экан. Биз билан бирга ўйнагиси келди. Кўлидаги тўрхалтани халиги дарахт бутогига олиб қўйди.

Бир маҳал қарасам, дарахт тагига бир чумчуқ келиб шошиб-пишиб бир нималарни

тумшуғи билан чўқияпти. Аввалига чумчуқ қор еяпти деб ўйладим. Синчиклаб қарасам, у бояги тўрхалтадан қорга тўкилган нон ушоқларини тараётган экан. Қиш-да. Ҳаммаёқни қор қоплаб олган. Нон ушоқ ерда увол бўлмайдиган бўлди, чумчуқ биздан хуркиб учиб кетмасин деб, нарироққа ўтиб турдик.

Бир текис ёғайтган қор кучайди. Биз ҳам совқотдик. Энди ўйинни тугатмоқчи эдик, Санжар бирдан қиқирлаб юборди:  
 - Ў, болалар! Анавини қаранглар! Чумчуқ музлаб қоляпти!

Шундай деб, у чумчуқ ёнига югурди. Унинг орқасидан синфдошим Ўткир чопди. Улар чумчуқни ҳовучига олиб оғизлари билан "кух-кух"лашарди. Етиб бориб қарасак, жониворнинг қаноти патларига қор қўниб, қиров бойлаётган экан... Биз чугурлашдик, баҳслаша бошладик.

Ўткир билан Санжар эса башарча билан қўшилмай, бизга бир ўкрайиб қарашди-да, уйларига кириб кетишди.

Эртасига эрталаб мактабга кетаётган кўрдим: ўша дарахт шохида тахтачадан ясалган янги куш ини пайдо бўлиб қолибди. Хойнаҳой уни Санжар билан Ўткир ясаб ўрнатган бўлсалар керак.

Бунёд МИРСОАТОВ,  
 6 - "А" синф ўқувчиси.






## ДУНЁ ДАРЧАСИ

лар эса бу билим даргоҳида 18 ёшгача илм олиш учун қоладилар. Улар чуқур ўзлаштириладиган 3 та фанни танлайдилар. Икки йилдан кейин эса "A-level" - юқори даражали билим олганлигининг сертификати олиш учун имтиҳон топширадилар. Бу даврдаги ўқиш анча жид-

## ИГНА БИЛАН

## ҚАЗИЛГАН ҚУДУҚ



Буюк Британияда таълим олиш 5 ёшдан бошланади. Бу, айниқса, давлат ихтиёридаги (бепул) мактаблар билан бир қаторда турсада, унда билим бериш даражаси юқорилиги, яхши моддий базага эга бўлган, кўшимча, дарслари мукамал ўқитиладиган хусусий (пулик) мактабларга ҳам тааллуқли. Мажбурий таълим 16 ёшда якунланади. Ўқувчилар охириги икки йилда хоҳишларига кўра 5-8 фандан имтиҳон топширишни мустақил танлайдилар. Бу имтиҳонларни муваффақиятли топширсалар, ўрта маълумот олганликлари ҳақида аттестат оладилар. Аттестат олган битирувчиларнинг ярми бу билим билан чегараланадилар. Бошқалар касбухунар ўргатадиган билим даргоҳларига йўл оладилар. 30 фоиз ўқувчи-

дий. Имтиҳонда ўқувчиларга 5 баллик системада баҳо қўйилади. Энг юқори баллни А деб, паст баллни - Е деб белгилайдилар. Сўнгги йилларда олий ўқув юртига кириш истагини билдираётганлар бир мунча кўпайган. Уларни илм даргоҳларида таҳсил олиш-олмасликларини аттестатдаги баҳо белгилайди. Танлов олий ўқув юртининг мавқеига қараб белгиланади. Оксфорд университети фақатгина аттестатида 4 та А ҳарфли абитуриентларни қабул қилади. Ўртача университетлар эса баҳолар Е бўлса ҳам имтиҳонга қабул қилаверади.

Умуман олиб қараганда, хорижликлар инглиз мактабларида ўқишни истасалар, 5 ёки хоҳишларига қараб 15 ёшдан ҳам киришлари мумкин. Ҳаттоки, университетга

ҳужжат топшириш ҳам мумкин. Лекин бу фавқуллодда ҳолат, бунақаси камдан-кам бўлади.

Аммо бу дегани ўқиш қийин ва машаққатли дегани эмас. Муҳими, болаларни тўғри тарбиялаб, пухта билим бериш.

Ўқишда янги ҳолатга кўникиш - энг оғири. Масалан: интизом. Мактаб-интернатларда уйқудан туриш 7.25 да, ётиш 21.15 да, ҳар бир дақиқа ҳисобда. Мактабда кичик ёшдагиларни хафа қилиш йўқ. Чекишдан тортиб, дарс пайтида аудио аппаратурадан фойдаланишгача ман этилади.


Университет ёки тил курсларида таълим олаётганларни яна бир муммоси - турар жой масаласи. Бунда учта вариант бор.

Биринчиси, меҳмонхонада туриш. Лекин бу ер ҳаддан ташқари қиммат.

Иккинчиси, талабалар уйида яшаш. Бу ерда талабаларга қўшилиб, дарс қилишни унутиб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас. 95% ёшлар оилаларда туришни афзал кўришади. Буниям, бир лекини бор. Оила бой бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ўзлари истеъмол қиладиган таом билан сизни боқишлари турган гап. Хонада телевизор бўлишидан бўлмаслиги аниқроқ. Ҳожатхона, ванна умумий. Хонада бошқа талабалар ҳам бўлиши мумкин.

Энди хонадон эгаси ҳам анча тозалигу саришталикка талабчан бўлиб қолади. Бу шароит ва усулга бир эмас, бир неча ота-оналар, ўқувчилар рози. Бунга сабаб, биринчидан, олинган билим - энг кучли университетга кириш имкониятини туғдиради. Иккинчидан, ўқувчи шахс сифатида шаклланади. Ўз ўзини бошқаришга интизом, эркинликка ўрганади.

Қисқа қилиб айтганда, ота-оналар бу ерда ўқиётган, 13-14 ёшида фикрлайдиган, соғлом, катталардек нима хоҳлашни аниқ биладиган фарзандларини кўрадилар.



Неча минг йиллардан бери одамзод Мисрдаги кўҳна пирамида (эҳром)лар нимадан ва қандай қурилгани сирини ечолмай келди. Чиндан ҳам қадимги мисрликлар шу қадар улкан қурилиш қисмларини қаёқдан, қандай қилиб саҳрага келтирган эканлар?

Яқинда австралиялик тарихчи олим Адольф Голл ишонса бўладиган бир фаразни ўйлаб топди: пирамидаларни қуриш учун ҳеч қаердан улкан харсанг тошлар кўчириб келтирилмаган, дейди олим. Мисрликлар саҳродаги қумни шўр маъданли сувга обдон аралаштириб, маълум қолипларга қуйганлар. Ҳосил бўлган шакллар йиллар-асрлар давомида ўткир қуёш тиги остида янада зичлашиб, тошметинга айланиб кетган.



Голл бу фаразини шунчаки айтиб қўйгани йўқ, у шахсан ўзи ана шу усулда "лой" қорди ва пирамидалар таркибига ўхшаш қурилиш материали ясади. Келажакда олим ўзининг шахсий пирамидасини қуриб, фикрини исботламоқчи.



## МАНГУ ЯШАШ ОМИЛИ

Дунё ахборот воситаларида ёзилишича, Тафтс университетининг профессори Ж.Жозуф одамни қаритмайдиган шарбатни кашф этибди. Олим черник деб номланувчи ўсимлик таркибида ана шундай модда борлигини таъкидлайди. Қаримай, 500-600 йил (балки мангу!) яшашни истаган одам оддий черник мевасидан кўпгина териб, қишга ғамлаб қўйиши керак. Ёз, куз давомида черник еб мириққан одам ва баҳорда ҳам ҳар куни камида бир пиёла черник мевасидан еб, бир стакан черник шарбатидан ичиб юрса кифоя! Маълум бўлишича, черник таркибидаги шифобахш модда мияни қаритиб-қуритувчи моддаларни йўқотар экан.

Лаборатория шароитида бу тавсия каламушларда текшириб кўрилди. Энди олим бу дорини одамларда ҳам синаб кўрмоқчи. Фақат... черник одамни қабзиятга йўлиқтириши мумкинлиги олимни ўйлантириб турибди. Жозуфнинг ўзи эса аллақачондан бери фақат черник истеъмол қилмоқда. Натижада, олим ўзини ёшариб кетганини, фикрлари жуда тиниқлашганини эътироф этмоқда экан.



## ДАСТЁР МУШУК


Вермонт штатида (АҚШ) яшовчи Эрол Малер исмли киши хонадонида Харби лақабли мушук яшайди. У уй соҳибига шунчалар меҳрибонки, анча-мунча уй ишларини "пах" демай бажаради. Ҳатто, бажарган ҳар бир юмушидан завқланади. Масалан, у эрталаб тинимсиз чириллаётган будильникнинг "овозини ўчиради". Малер ишдан қайтган заҳоти унинг шиппагини келтиради. Дастёр мушук эгасига тақлид қилиб ҳатто... кафтлари билан телефон дискни оҳиста айлантириб, ўзига керакли рақамни тиради.

Қаранг, мушукларни ҳадеб эркалитиб слайвермасдан, уларни ишга ўргатса ҳам бўлар экан.

## ҚАҲРАМОН СИГИР

АҚШнинг Панвил штатлик фермер Р.Робертсоннинг сигирларидан бири дунёдаги ўз қавмлари орасида рекорд қўйди: у сўнгги 6 йил ичида эгасига 13 та бузоқ ҳадя қилди. У уч марта эгизак бузоқлар, икки марта эса учтадан чиройли бузоқчалар кўрди. Бу қаҳрамон сигир бузоқларини шунақа ялаб-юлқийдики!..

"Америкадаги сигирнинг болажонлигидан менга не наф?" дейсизми! Балки, тез орада сиз улғайиб, фермер бўлиб қолсангиз, Робертсоннинг ўша зотдор сигири наслдан сотиб олиб, ферма тузарсиз. Ҳар қалай, ҳозирдан яхши гаплардан хабардор бўлиб туриш яхши-да!





# ҲАММА НАРСА АНА ШУНДАН БОШЛАНДИ!

(фантастик ҳикоя)

Ҳар тонгда соат 5.00 да туриб кучугимни овқатлантириб, айланишга олиб чиқар эдим. Шу кун бу режамни амалга оширишга бир галати воқеа ҳалақит берди. Ҳар кунгидай 5.00 да ўрнимдан турдим. Юз-қўлимни ювиб, сочларимни тўғрилаб, энди эшикни очган эдим-ки, эшигимиз тагида сариқ мушукчани кўриб қолдим. Кимни мушуги экан, деб у ёқ бу ёққа алангладим. Ҳеч ким йўқ! Бу жажжи мушукчани биринчи кўришим.

Қайси номард ташлаб кетган экан? Энди нима қиламан? - дедим-да, бир оз ўйлангач, қўлимга олиб хонамга олиб кирдим. Шуниси қизиқ-ки, мушукча бир

кимдир "Оҳ! Худога шукр! Хавфсиз жойга тушибман!" деган гапни эшитдим. Мен дарров орқамга қайрилдим. Билсам, бу ҳақиқий мушук эмас, балки ўзга сайёраликлардан бири экан. Айтишига қараганда, улар кўзига қараганда, улар кўзига кўринган, истаган жонзотга айлана олишар экан. Бу ерга келишларига асосий сабаб: улар ёрни ўрганиш учун ва бу ерда ўз маҳсулотларини ўтказиш учун гуруҳларга бўлиниб кетишган экан. Ҳар бир сайёрага, яъни тирик жонзотлар истиқомат қилаётган, ривожланиб келаётган сайёрага 2 тадан вакил юборишар, биргина уларнинг сайёрасидан эмас, балки бошқа,



ралик, - улар фақат ўзларининг маҳсулотларини ўтказишларини ўйлашади. Бошқа сайёраликлар билан, масалан, бизлар билан ҳамкорликда бўлишни ёқтиришмайди.

- Сизлар қандай маҳсулот чиқаряпсиз? - қизиқиб сўрадим мен.

- Кир ювиш порошоги! Олдин тиш ювиш пастасини чиқарган эдик, у яхши ўтмади. Энди кир ювиш порошогини ишлаб чикдик.

- Улар-чи?

- Уларми? Улар ҳам худди шу маҳсулотни ишлаб чиқаришмоқда. Уларнинг ҳам ишлаб чиқарувчи махсус корхоналари бор. Лекин кафолат бераманки, бизнинг порошогларимиз ҳам арзон, ҳам сифатли ишлаб чиқарилган, турмушда жуда керакли маҳсулотлардир.

- Бу ерга қайси сайёрадан келдингиз?

- А-а?! Айтмоқчи. Мен ўзимни таништирмабман-ку! Мен бугун тонгда "Дзебра" сайёрасидан учиб келиб, нариги уйнинг томига қўнган эдим. Орқамдан пирсликлар ҳам пойлаб келишаётган экан.

Дарров чиқиб, томма-том ўтавердим. Улар дарров етиб олишди. Мен томдан йўлакка тушиб, зинадан тушаётган эдим. 7-қаватдан семиз хотин кучуги билан уйдан чиқиб қолди. Қўлида мушук расми тасвирланган журнал бор эди. Кўриб қолмаслиги учун, дарров шу кучукчага айланиб олдим-

да, хотинни олдидан тезда ўтиб кетдим. Пирсликлар эса бундай хусусиятга эга бўлмаганликлари учун ушланиб қолишди шекилли, мен улардан қочиб қолдим. Қочиб қолганим яхши бўлди. Ҳар ҳолда ўз юртимга, уйимга соғ-омон етиб боришим керак-да. Уларнинг қўлларидан курол бор, менда-чи, йўқ!

- Тутиб олганларидачи?

- О, айтма! Сен бунга тунунмайсан. Сизларни эшигингиздан ўтаётган эдим, эшик очилаётганини кўриб, журналда тасвирланган мушукчага айланиб, туриб олдим. У ёғини энди нима бўлганини ўзинг биласан.

Соатга қарадим. Ҳадемай 6 бўлади. Мен уни қаерга яширишимни сўрадим. Чунки, биров кўриб қолишдан кўрқдим. У эса овора бўлмаслигимни, ёнида дўсти борлигини айтди.

- Дўстим бор дейсанми? Қани у?

- Уми? У шу ерда!

- У билан танишсам бўладими?

- Ҳа, лекин, бунинг учун мен ўз қиёфамга айланишим керак.

- Сизлар жуда кўрқинчли бўлсангиз керак.

- Йўқ.

Дзебраликлар тез орада ўз қиёфаларига айланиб олишди. Уларнинг кўринишларини айтмайсизми. Улар динозаврларга жуда ўхшар эканлар. Лекин, устларида замонавий костюмчиқлар, бўйнида чиройли бўйинбоғ. Ўртоғи эса, итга айланиб олган экан. Унинг ҳам қиёфаси шундай. Устларидаги кийимлари, бошидаги сарғиш шляпа ва плашч жуда ярашиб турибди. Хайратдан оғзим очилиб қолди.

Шу-шу қандай қилиб хайрлашиб кетиб қолишганларини сезмай қолибман. Мана шундай воқеалар содир бўлиб туради, бизда. Нималар ҳам бўлмайди, дейсиз! Ҳамма нарса ана шундан бошланди!

**Феруза МУЯССАРОВА,**  
**Тошкент шаҳридаги**  
**300-лицей мактабининг**  
**8-синф ўқувчиси.**

Расмларни ҳам муаллиф (Феруза) чизган.



оғиз ҳам "мяу" дегани йўқ. Фақатгина хонани ҳамма томонларига катта-катта кўзлари билан олайиб қарар эди.

Хонамнинг бир четида турган кароватни устига мушукчани қўйиб, эшикни ёпиш учун эшик томон юриб бераман эканман, орқамдан

масалан: "Пирс" сайёрасидан 2 та куркага ўхшаган жонзотлар (шу сайёрадан юборилган махсус текширувчилар) ҳам ерга текшириш учун ҳамда булар ҳам ўз маҳсулотларини ўтказиш учун юборилган экан.

- Пирсликлар ўзи шундай, деб давом этди ўзга сайё-







**ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ**

“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон: (371) 139-49-32, Факс: (371) 139-48-23. Пейжер: (088) 30-13



# ЭЛ КАТОРИДАГИ РАИС

ЖОНКУЯРЛАР

Тошкент туманида «Ўзбекистон» жамоа хужалиги бор. Умумий ер майдони 1937 га. «Га» дегани — тектар, яъни 100 сотих. Яхшиямки, «1937» машғум йилини англамайди, лекин беихтиёр узбекнинг бошига мисли қўрилмаган мушибатлар келтирган ЙИЛни эсга солади. 1937 йилда собиқ ИТТИФОҚ худудида қатагон (репрессия) бошланган эди. Сохта айблар асосида Абдулла Қодирий, Чулпон, Фитрат, Боту, Элбек, Отажон Ҳошим, Ғози Олим, Турор Рисқул каби буюк зотлар қатл қилинади (худо раҳмат қилсин)... Эҳтимол, ҳозир руҳларигина бизнинг йўқловимизга (дуои фотиҳамизга) муҳтож бўлиб турган шаҳиди шарифлар ҳам бир пайтлар «Ўзбекистон» жамоа хужалиги худудига ташриф буюргандир... Ахир, 1921 йили ҳатто Аҳмад Заки ВАЛИДИЙ (ТУҒОН) Келесга бориб, миллий озодлик ҳаракатининг раҳнаомлари билан мурултой утказганини биламиз. Шундоқ бўлгач, Келеснинг йўлларидagi қишлоқлар миллатимиз, Ватанимиз дарди билан яшаётган инсонлар учун азиз бўлиб қолгани табиий ҳолдир.

«Ҳай, бир келиб-кетинг қишлоғимизга», деган қушиқ фақат юзаки манзиратдан иборат бўлмаса керак. Уша қушиқ оҳанги кишини «Ўзбекистон» жамоа хужалиги томон етаклапти. Бунга ажабланмадик. Чунки у ерда салкам ун беш минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Хонадонлар сони — 2760 та, оилалар сони эса 3545 та. Оилалар сони хонадонларга нисбатан 785та куп экан. Нега оилалар билан хонадонлар миқдори баробар эмас? Бу икки курсаткич баробар бўлиши мумкинми? Баробар бўлиши мумкин. Лекин 785та қайнона 785та келинни рўзгор тебратишга ургатишдек узбекона машғулдан маҳрум бўлиб қолишни истармикан?! Балки, айрим оилаларда уч-тўрттадан келинчак қўлини косов, сочини супурги қилиб, Ҳожи онамининг фармонларини сўзсиз бажо келтираётгандир?! Ким билсин... «Келинлар қўзғолон» кўтарса, ҳаммаси аён бўлади. Ишқилиб, «Келинлар қўзғолони» Ҳамза театридан нарига утмасин (ахир, яхши сюжет — воқеа топилиб қолса, ёзувчиларимиз дарҳол қоғозга туширадилар).

Демак, «Ўзбекистон» жамоа хужалигида 785та келинчак бор. Эҳтимол, беш-унта Отабек ҳам чиқиб қолар (ичкуёвни назарда тутяпмиз). Майли, ҳаммаси қушгани билан қўша қарисин!

Хужаликда бугдой етиштирилади. 1998 йил режаси 176 фоизга, ошириб бажарилди. Ҳосилдорлик 43,7 центнерни ташкил қилди. Бундан ташқари, 130,8 тонна картошка, 968,3 тонна сабзавот, 188,6 тонна мева, 35,1 тонна узум етиштирилди. 350 бош сигирдан 317 бош бузоқ олинди. Фақат 33 бош сигир қисир қолди, холос. Қисир қолишининг ҳам узрли сабаблари бор: баъзиларининг ёши утиб, баъзиларининг ёши етмай қолди, дейилса тўғри бўлади. Ҳар бир сигирдан 2601 кг. дан сут соғиб олинди (бузоқларнинг ҳаққи бу ҳисобга кирмайди).

Бош иқтисодчи А. Абдужалилов ёзиб берган маълумотлар ана шулардан иборат. Биз атайлаб кўриш-чиқим, соф фойда каби рақамларни ошкор этмаймиз. Чунки, билиб буладими, мақтайман деб қовун тушириб қўйиш ҳеч гап эмас!

Баҳодир БЕКМУҲАММЕДОВ жамоа хужалигининг раиси. Узлари шу хужалик худудида туғилган. Оталари Нодир ака ҳам раис эдилар (худо раҳмат қилсин). У кишини одамлар ҳозир ҳам эҳтиром билан ёдга олишади. Ҳалол, жонкуяр инсон эди. Афсус, умри қисқа экан — 54 ёшида вафот этдилар. Нодир ака оилада қаттиққўл эди. Шу боис Баҳодир уртоқларига: «Мен раиснинг углиман!» деб мақтанмасди. Билардики, отасига рисликни боғлаб қўйгани йўқ; бу лавозимга уни одамлар сайлаб қўйишган, одамлар сайламаслиги ҳам мумкин. Муҳими — эл назаридан қолмаслик керак. Отаси шундай деб таълим берарди. «Яхши ўқи!» дерди. Лекин, отаси уйда кам буларди. Доим хужалик ташвишлари билан юрарди. Бошқа болаларнинг отаси уз фарзандлари билан сайру савҳатга боришарди, оила даврасида гаплашиб утиришарди-ю, Баҳодирнинг отаси эса ишдан бушамасди. Мана, эди узи Раис бўлгач билдики, хужалик таш-



вишлари катта маъсулият талаб қилар экан. 1985 йилда Баҳодир ака Тошкент Қишлоқ хужалиги институтига ўқишга кирди. Олий маълумотли мутахассис бўлгач, Фозилов номидаги жамоа хужалигида икки йил табелчи бўлиб ишлади, кейин бир йил бригадир бўлди. Шундан сўнг «Талабий» номидаги жамоа хужалиги раисининг муовини вазифасига таклиф қилдилар. У ерда хужалик юритишни, одамлар билан муомала қилишни урганди. Кейин Тошкент тумани ҳокимлигида Қишлоқ хужалиги бошқармасида ишлади. Бир ярим йил мобайнида қишлоқ хужалигининг узига хос нозик сирларини урганди. Масалан, мевачилик, галлакорлик, чорвачилик соҳаларининг фойдали томонларини амалда курди. Шундан сўнг қишлоқ хужалиги масалалари буйича туман ҳокимининг уринбосари бўлди.

1996 йилнинг июль ойидан эътиборан «Ўзбекистон» жамоа хужалигига раислик қилаётир. У институтга кираётган пайтдаёқ, марҳум отамнинг изидан бораман, одамларнинг хизматини қиламан, купчиликнинг дуосини оламан, деб уз-узига суз берган эди... Ҳозир бозор иқтисодиёти даври. Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Тўғри, илгари ҳам шаҳар бедарвоза эмасди. Лекин уша дарвозанинг посбонлари кузга куринмас жойларда туришарди. Яъни, голибликка доим шерик топиларди-ю, лекин жавоб беришга тўғри келиб қолса, бир кишининг (раиснинг) бошида калтак синар эди. Купинча эса, умуман жавобгар топилмасди. Энди тузум узгарди, одамлар узгарди, демак раҳбар ҳам узгариши лозим. Раҳбардан фақат ҳисобот эмас, натижа суралади, фойда-зарар суралади. Яна ҳам аниқроғи: «Одамларнинг қорни очми-туқми?» деб суралади. Одамларнинг узлари сурайди, ҳар куни, ҳар қадамда сурайди. Ҳар куни, ҳар қадамда жавоб беришга тўғри келади. Қониқарли жавоб берилсагина одамлар ҳурмат қилади.

Баҳодир Бекмуҳаммедов юрган йўлида узини тафтиш қилиб юради: раисликни сенга бир умрга боғлаб бериб қўйгани йўқ, дейди. Вақти-соати келса, бу лавозимни топширишга тўғри келади, дейди. Ушундай кунга ҳар доим тайёр туриш керак, дейди. Шу боис ҳалол ишлайди, бошқарлардан ҳам ҲАЛОЛЛИКни талаб қилади. Хужалик раҳбарининг ҳалоллиги нима узи? Энг аввало, унинг ташқи белгилари шундан иборатки, мана, уч йилдан буён давлатга солиқлар ҳам, одамларнинг иш ҳақлари ҳам уз вақтида туланипти. Қолаверса, ун беш минг нафар аҳоли яшайдиган хужаликда раис узини ҳаммадан ақлиман, деб ҳисобламайди. Ундан-да ақлироқ, ундан-да билимлироқ инсонлар борлигини жуда яхши билади. Уша ақли, билимдон кишилар Раиснинг ишларини узларича таҳлил қиладилар; одамларга муносабатини, хужаликка муносабатини тарозига солиб кўрадилар. Бу ҳол раисни уз ишига янада маъсулият билан қарашга ундайди, яхшироқ ишлашга ундайди. Хужаликда фойда келтирмайдиган тармоқлар янгиланяпти, фойда келтирадиган йўллар топиляпти. Ахир, бозор иқтисодиёти шароитида бошқача яшаш ҳам мумкин эмас.

Хужалик муаммоларини имкон даражасида ҳал этиш мумкин экан. Имконият бор экан. Лекин, раисни бошқа масала кўп уйлантиради. Мана, хужаликка раҳбарлик қилаётганига уч йил бўляпти. Утган уч йил мобайнида олий маълумотли агроном ёки чорвадор мутахассислиги буйича дипломи бор бирорта зот раис хонасини тақиллатиб: «Менга яраша иш борми?» деб келмади. Ваҳоланки, агроном, чорвадор, сут соғувчиларга хужаликда яхши ҳақ туланади. Масалан, улар ҳар ойда 8—10 минг сум маош оладилар. Бундан ташқари, сут маҳсулотлари, гушт уларга арзон баҳоларда берилади. Чамаси, ёшларни ҳозир савдо-сотик кўпроқ

маҳлиё қилиб қўйган, шекилли. Майли, одамлар тижорат билан ҳам шуғулланаверсин, аммо ишлаб чиқариш соҳаси бундан кейин ҳам нуфузли, обрў-эътиборли бўлиши лозим.

Баҳодир ака фарзандлари мисолида ёшларнинг орзу-умидларини билиб олмоқчи бўлади. Хуш, ҳозирги ёшлар нима-ларни истадилар?

Раиснинг тўртта ўғли бор. Тунгичи Бахтиёр. Ун биринчи синфда ўқийди. У ҳуқуқшунос бўлмоқчи. Буш пайтларида расм чизишни яхши кўради. Келажакда ҳуқуқшунос-рассом бўлса ажаб эмас.

Ихтиёр бешинчи синфда ўқийди. «Картэ» билан шуғулланади. Спортни яхши кўради.

Дониёр энди биринчи синфда ўқияпти. У бошқачароқ чиқди. Ниҳоятда жиддий. Хоҳлаган пайтида гапиради, хоҳламаса гапирмайди. Ҳатто дарс пайтида хоҳиши бўлмаса, ўқитувчи «икки» баҳо қўймоқчи бўлса ҳам жавоб бермайди. Ужаргина. Хаёл суришни яхши кўради. Дарсларни, уй вазифаларини қўнг билан бажаради. Ҳамма ишни мустақил равишда бажармоқчи бўлади. «Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан?» деб суралса, ҳеч иккиланмай: «Тошкентга ҳоким бўламан!» деб жавоб беради.



Баҳодир Бекмуҳаммедов.

Кенжатай Элёр ҳозир учга қадам қўйди.

Фарзандларни оилада асосан оналари тарбиялайди. Раис эса хужалик ишларидан, ташвишларидан бушамайди. Бироқ, фарзандлари билан гаплашишга, сирдош бўлишга ҳаракат қилади.

Баҳодир ака ёшлигида «Лекин учқуни» («Тонг юлдузининг угай отаси») газетасига доим обуна буларди. Айниқса, Қуддус Муҳаммадий, Пулат Мумин шеърларини ўқишни яхши кўрарди. Нега деганда, узи ҳам яширинча шеър-пер ёзиб юрарди.

«Ўзбекистон» жамоа хужалиги худудида бешта урта мактаб бор. Мактабларнинг жорий ремонтлари учун ҳар йили етарли миқдорда маблағ ажратилади. Бундан ташқари, қўшимча синфхоналар ҳам хужалик ҳисобидан барпо этиляпти. 1999 йилда янги синфхоналар фойдаланишга топширилади.

Раиснинг битта одатини одамлар яхши билишади. У доимо қўлидан келганча яхшилиқ қилишга интилади, имкон даражасида одамларга ёрдам беради. Бу дунёда фақат яхшилиқ қолишини билади, яхши ном қолажагини билади.

У эл қаторидаги раис, элдан ажралмаган раҳбар. Шу боис эл-юртнинг ҳурматини қозонди. Аслида, ҳар қандай инсон учун бундан-да каттароқ мартаба бўлмаса керак. Илло, барчамизга эл қаторида юриш насиб этсин!

«Тонг юлдузи»ни эса 1999 йилда хужаликдаги бешта мактабнинг барча ўқувчилари ўқишади. Шунинг учун ҳам бу раисни муқтарийларимизга таништиргимиз келди. Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқ-да, ахир!

Кенжа БОТИР

# «Парабола»га ишимиз тушмай, ЎзТВни кўрамиз

Кеча кулимга бир неча йил бурун нашр этилган «Мустум» журнали тушиб қолди. Варақлаётиб, ногоҳ кўзим бир карикатурага тушиб қолди. Унда ўзбек телевидениеси очикдан-очик кулгу остига олинган эди. Мен ҳам кулиб қўйдим, лекин бу ҳақиқат эканини уйлаб қолдим. Телевидение бизнинг кундалик турмушимизда катта урин эгаллайди. Бизни ҳар кун узига соатлаб сеҳрлаб қўядиган ҳам, узидан бездириб қўядиган ҳам шу телевидение. Шу йил июнь ойида ташкил топган «Ешлар» канали телевидениега жонлантириш олиб келди десам, адашмайман. Телевидение ҳам худди шу турткини кутиб тургандек, узгара бошлади, албатта, яхши томонга. Унинг қайтадан ташкил этилган турт канали ҳозирда ижобий самараларга эришиб келмоқда. Телеканалларга янги-янги узгаришлар, дастурлар кириб келди. Буни ҳамма сездим. Ешлар учун берилётган курсатувларга қизиқиш орта бошлади. Илгари биз, усмирлар учун мулжалланган «Синфдош» курсатуви томоша қилардик. Ҳозир эса «Ақл ешдамас», «Нигоҳ», «Сен ҳақингда ва сен учун», «Сени Ватан кутади», «Умид учқунлари» каби бир қатор курсатувларни томоша қилишимиз мумкин. Менга айниқса «Нигоҳ» курсатуви ёқади. Чунки бу курсатувда ешлар ҳаёти, уларнинг бутунги ташвишлари ва муаммолари акс этади. Шунингдек, ҳар яшанбада бериладиган «Дойче Велле» хит паради бизга жула ёқади.

Укажон ва сингилжонларимиз учун эса «Янги авлод» студияси ҳар куни «Буш утирма», «Эркатой», «Келинг, танишайлик», «Бутуннинг боласи», «Катта танаффус», «Ол-

тин калит» каби куплаб курсатувларни намойиш қилмоқда. Уларнинг ташкил топиши яхши будди. Улар болажонларни зукколик, чаққонлик, билимдонлик каби хислатларининг ривож топишига хизмат қилмоқда. Клипларнинг куплаб курсатилиши ҳам яхши.

Шунингдек, биз ҳар куни дуч келадиган воқеа-ҳодисаларни қисқа, лунда шарҳлар билан уларнинг ижобий ҳамда салбий томонлари кенг қамровда ёритиб берилса яхши буларди. Агар бизнинг телеканалларимизда спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларига қарши пиорлар, реклама роликлари, «Соғлиққа зарарли», «Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради» каби ёзувлар тез-тез чиқиб турса, бу ҳам фойдадан холи булмайди. Ахир, шу билан биз ота-ю акаларимизнинг умрларини узайтирган буламиз-ку!

Келаётган рузай рамазон ойида спиртли ичимлик ва тамаки, маҳсулотлари телевидение орқали камроқ реклама қилинади, деган ниятдаман. Ҳеч булмас бир ой, эзгулик нафақат рузамизда, балки атрофимизда ҳам акс этсин...

Чет эл мусиқасининг оламига ҳам фақат бир эшик орқали киришни истайман. Шу мақсадда ҳаммага ёқадиган, кенг қамровли — бир неча саҳифали ягона ҳафталик дастур яратилса нур устига аъло нур буларди. Мен нафақат таклифларимни, балки уларнинг амалга ошиши учун хизмат қилиши мумкин булган уз ердამимни ҳам баён қилмоқдаман. Бизнинг телевидениемиз — бизнинг жаҳондаги юзимиз. Унинг ривожини учун ҳар қайсимиз уз ҳиссамизни қушишимиз, вақтида уз фикр ва мулоҳазала-

## ХОЛИС НИЯТ

римизни билдиришимиз зарур.

Келаётган 1999 йилда биз — усмирлар «парабола» ва «камалак»ларини ҳам уз ҳолига қўйиб, ўзбек телевидениесининг каналларини мунтазам кузатиб борсак, деган ниятим бор.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,**  
Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 9-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.



Алло, бу телевидениеми?



### СЕШАНБА, 15 ДЕКАБРЬ

#### ЎзТВ-1

- 10.20 «Алифбо сабоқлари».
- 11.15 «Томчи».
- 11.30 «Мактублар — кабутарлар».
- 12.05 «Яшил орол сири».
- 18.10 «Фарғоналик болалар даярасида».
- 20.10 «Оқшом эртақлари».
- 21.05 «Акс-садо».

#### ЎзТВ-2

- 18.05 «Кусто командасининг сувости саргузашти». Телесериал.

#### ЎзТВ-3

- 18.10 Болалар учун «Энди эртақ бошланади».
- 19.15 «Табиат шифохонаси».

#### ЎзТВ-4

- 16.50 «Мультсайера».
- 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар».

### ЧОРШАНБА, 16 ДЕКАБРЬ

#### ЎзТВ-1

- 10.05 «Янги алифбони урганамиз».
- 11.30 «Акс садо».
- 12.05 «Эски хужрада» мультфильм.
- 18.10 Болалар учун «Орзули олам бу».
- 20.10 «Оқшом эртақлари».

#### ЎзТВ-2

- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Билагон маслаҳати», «Уйна болажон, уйна», «Мульттомоша».

#### ЎзТВ-3

- 18.10 «Ёрилтош» мульттўплам.

#### ЎзТВ-4

- 16.50 «Мультсайера».

- 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар».

### ПАЙШАНБА, 17 ДЕКАБРЬ

#### ЎзТВ-1

- 8.45 «Қушиқ—маънавият қузгуси».
- 10.50 Болалар учун «Компьютер сабоқлари».
- 18.10 «Кичкинтоймиз—гижинтоймиз».
- 18.25 «Тилга эътибор».
- 20.10 «Оқшом эртақлари».

#### ЎзТВ-2

- 18.05 «Кусто командасининг сувости саргузашти». Телесериал.

#### ЎзТВ-3

- 18.10 «Ёрилтош» мульттўплам.
- 18.20 «Билиб қўйган яхши».

#### ЎзТВ-4

- 16.50 Мультсайера.
- 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».

### ЖУМА, 18 ДЕКАБРЬ

#### ЎзТВ-1

- 10.20 «Немис тили».
- «УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:
- 11.15 «Шоирлар болаларга».
- 12.05 «Ғаройиб ов» мультфильм.
- 12.15 «Маржон» телеклуб.
- 18.10 Болалар учун «Фарзанд — умид юлдузи».
- 20.10 «Оқшом эртақлари».

#### ЎзТВ-2

- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Қизиқарли хабарлар», «Дунё ва болалар», «Мульттомоша».

#### ЎзТВ-3

- 18.10 «Ёрилтош» мульттўплам.

#### ЎзТВ-4

- 16.50 «Мультсайера».
- 20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар».

### ШАНБА, 19 ДЕКАБРЬ

#### ЎзТВ-1

- 9.20 «Шоҳрух» клуби.

#### «УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:

- 10.10 «Шу Ватанга бордир менинг керагим».

#### ЎзТВ-2

- 9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Буш утирма», «Қувноқ учрашув»: «Билагон маслаҳати», «Мульттомоша».

#### ЎзТВ-3

- 8.00 «Мультконцерт».
- 10.30 «Болажонлар экрани».
- 12.30 Билиб қўйган яхши.
- 18.10 «Ёрилтош» мульттўплам.
- 18.40 «Табиат шифохонаси».
- 18.50 «Ер қурраси».

#### ЎзТВ-4

- 18.50 «Қузмунчоқ».
- 20.15 «Биргаликда куйлаймиз».

### ЯКШАНБА, 20 ДЕКАБРЬ

#### ЎзТВ-1

- 8.30 «Камалак» болалар учун кинодастур.

#### «УМИД» НАМОЙИШ ЭТАДИ:

- 10.00 «Ватанимга хизмат қилман».

- 11.50 «Қувноқ стартлар» телемусобақа.

- 12.25 «Болалигим — пошполигим».
- 18.00 «Олтин тож» телевизион уйин.

- 18.25 «Оила» тележурнал.
- 20.05 «Оламга саёҳат».

#### ЎзТВ-2

- «ЯНГИ АВЛОД» СТУДИЯСИ НАМОЙИШ ЭТАДИ:
- 9.00 «Қизиқарли хабарлар».
- «Келинг, танишайлик».
- «Янги авлод почтаси».
- «Катта танаффус» («Мульттомоша»).

- 10.45 «Кусто командасининг сувости саргузашти» телесериал.
- 13.00 «Цирк, цирк, цирк».
- 13.20 «Синдбод» телесериал.
- 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Бутуннинг боласи», «Мульттомоша».

#### ЎзТВ-3

- 8.00 «Мультжумбоқ».
- 9.10 «Жавоҳирлар соҳили».
- 9.45 «Болажонлар экрани».
- 11.15 «Ёввойи табиат».
- 18.10 «Кичкина деманг».

#### ЎзТВ-4

- 9.05 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
- 10.45 «Жонли сайера».
- 13.10 «Табиат билан танишув».
- 18.50 «Жонли сайера».

### ДУШАНБА, 21 ДЕКАБРЬ

#### ЎзТВ-1


- 20.10 «Оқшом эртақлари».

#### ЎзТВ-3

- 18.10 «Энди эртақ бошланади».

#### ЎзТВ-4

- 16.50 «Мультсайера».



Менинг филчам ҳам мульттик кўради.

6

Рупарада сарғиш тоғлар курина бошлади. Эркин шофернинг олдидан буйини чузиб қаради: Ғажиртоғ уз урнида, уша-уша ҳолда чузилиб ётибди.

— Бу нима? — деди Эркин олдинни қули билан курсатиб. — Тоғ-ку? Тоғ бу ёқда эмасми?

— Ҳа, Буям тоғ, жиян, — деди шофер Эркинни энди узига яқинроқ олиб. — Лекин, бу паст. Бир тизма-да, холос. Аммо, — кузини каттартириб давом этди, — ичи ёрилган... Йук, умуртқаси ёрилиб пастгача тушган-у, уша жойда сой ҳосил булган. Билдингми? — Эркин анграйганча бош ирғади. — Ана уша сойдан шурсув оқади, — яна давом этди шофер. — Биз ундан қирқ марта утамиз.

— Қирқ марта? Бирта сувдан-а? Ҳе-е, — Эркин ишшайиб, Назокатга қаради. — Эшитдинг? Бирта сувдан... Алдаманг, ака, биз ёш бала эмас, — шофердан ранжиган булди йигитча. — қирқ марта... Ундан кура, сувди ичидан чиқмай...

— Ҳе, жиянбой, — деди ҳайдовчи, — сув буралиб оқадидан. Илондай бўлиб. Уни кесиб утишга тугри келади.

— Шошманг-шошманг! — Эркин ниманидир эслади. — Қирқсув... Шу эмасми? — деб юборди бирдан: ёдига онасининг шу номдаги сувли дара билан боғлиқ даҳшатли ҳикояси тушиб кетган эди; саволига жавоб кутмаёқ ҳовлиқиб айта бошлади: — Менинг катта отам, яъни, бобомиз Пирмат аробакашнн... шу дарада суйиб кетишган босмачилар. Эшитдингми, Назокат? Сиз-чи, ака? Шошманг, шу дарада... Йук, унинг номи нима?

— Айтдик-ку, Қирқсув, — деди шофер ҳам алланечук уйчан тортиб. — Қирқсув дара раси дейдилар.

— Э, всё. Шу. — Кейин у: — О-о, — деб юборди бирдан тулғана кетиб. — Бобом, бобожоним! Босмачи суйган бобом. — Лекин кунглида ҳеч нарса йук, яъни, ачиниш-пачиниш деган нарса йук эди: ахир ёш бола бобосини курмаган — унга меҳри тушмаган эди-да. Аммо бобоси, яъни, душманлар суйиб кетган бобоси учун нега йиғламаслиги

ку, ҳар гал эслаган-да... — Вой, бобо-оом, бобожоним! — У муштуми билан кузларини шундай уқаладики, афтидан, қизартириб юборди; аммо ачишгани аниқ. Балки ёш ҳам чиққандирки, Назокат унга қараб:

— Булди-булди, — дея елкасини силаб ёлворди. — Мен ҳам йиғлаб юбораман.

— Ахир, ёмон-да. Таъсир қилади-да, инсонга!.. Тугрими, шофир амаки?

Шофир амаки, афтидан, унинг қалбаки куйинаётганини сезиши лозим эди, аммо у киши ҳам бирданга... кузлари ёшланиб, бошини чайқади.

— Ҳа, жиян, ҳа. Оғир бу сав-

жим, уйланиб кетди-да, ниҳоят: — Ука, — деди. — Нозик қиз, сен ҳам... эшитганинг йук.

— Нимани-нимани?

— Э, куп ирғишлама, — ниҳоят зарда қилди шофер. — Бир нарсга ақли етадигандай... — Эркиннинг баттар хуруж қилишини сезибми, яна чуқур нафас олди. — Ақлинг етади... Лекин, ука, — буларга муъжазгина боқди, — билган нарсаларингга етади. Эшитган нарсаларингга... Тугшундингми, жиянжон? — энди ялингандек деди. — Шунақа... Менинг ҳам билган-эшитган нарсаларимга ақлим етади... — Кейин кулди. — Жумбоқ айтдим-а?

— Ҳой, қизлар! Қайсинг кабинада утирасан? — деб бақирди тепага ва шундоқ борт тусигидан бошини эгиб, кузлари қинидан чиққудек қизариб турган Зулхуморга тикилиб қолди. — Кунглинг айнаидими? Э-э, каллам курсин, — деб чаккасига бир урди. — Утган кунни айтиб эдинг-а, мошинанинг гази бошимди айлантиради деб! Туш, туш, синглим... Қулингди бер. Узинг тушасанми? Майли! — Зулхумор машина ортига утаркан, Эркин тусиққа осилиб, сунгра турникка тортилгандек қилиб кукрагича кутарилди. Кейин оёғини тусиқдан ошириб, Гулмуроднинг ёнига тушди. Уни-

### Қиссахонлик

— Э, домла, дарага кирмаймизми?

Домла яна унинг елкасига оҳиста қоқди.

— Йук, — деди олдинга хотиржам боқиб. — Тошли дара. Суви шур, ука. Хуш, йули бузук... — Кейин бирдан болалардан сўради: — Текис йулдан кетганимиз яхши — а?

— Яхши, яхши, — дейишди. Аммо кимлардир бу гапни ёқтирмай гинишиди ҳам.

— Ана, — деди Камтар ақа Эркинга. Сунгра унинг кузларидоги важоҳатни уқибми, изоҳ берди: — Шундоқ ҳам кеч борамиз манзилга. Билдингми, Эркин?

— Узи-да, узи секин ҳайдади! — айтар гапини айтолмаётгани учун шу гапни айтди Эркин. Аммо унинг кейин давом этишига ҳам имкон бермади домла:

— У йигитнинг бешта фарзанди бор, — деди дона-дона қилиб. — Бешови ҳам ёш... Уйлайди-да болани... Сизларни уйлаган экан. Ҳозиргина айтди. Булар қийналишмасин, деди. Мен рози булдим. — Кейин (энди) чап тарафда қолиб кетаётган Қирқсув тизмасига қараб олиб адоқларни курсатди. — Хув, этакдан айланиб утамиз. Анчагина бор. Дам олиш мумкин...

— Йук, у дарада...

Камтар ака яна Эркинни «буғди»:

— У дарага қайтишда киримиз. Пахтадан қайтишда бемалол буламиз. Дарадан утаётганда, унинг тузилишини, пайдо бўлиш тарихини ҳам айтиб бераман. Бундан ташқари, бу дарада эски замонда... гражддан уруши йилларида куп жанглар булган. Уларнинг урни қолган. Ушаларни курашимиз... — Камтар ака, рост айтмасми? — кузлари чиндан ҳам ёшланиб сўради Эркин.

Камтар акага... нима булди? Туйқусдан у кишининг ҳам кузлари йилтираб, йигитчанинг кифтидан кучди. Сунг бошини эгиб шивирлади:

— Айтиб бераман. Айтиб бераман. — Кейин унинг кузига тикилди. — Тугшундингми?

Эркин оғзини очганча:

— Сал-пал, — деди.

— Ҳозирча, — деб жилмайди муаллим, — «сал-пал» ҳам етади... — Кейин жиддий уқтирди: — Энди, бас. Пахта ни уйла... Камсамол буласан, ҳадемай.

— Бу гап тугри-ю...

— Бушти. — Яна Эркиннинг кифтига қоқди домла. — Жойингга бориб утир. Болалар, дам олинглар... Ишқилиб, чарчаб қолманглар-да, укалар. Хоҳлаганлар овқатлансин. Хоҳлаганлар ухласин. Тушакларинг бор. Айтишим керакки, йулимиз ҳали олис... — У киши бошини буриб, нақ орқадан қолиб кетаётган Ғажиртоққа қаради. — Ана шу тоғимизнинг бу томондаги тумшуги остигача борамиз. Балки, берирокла қолармиз... Қани, дам олинглар.

Жойига утиб утирган Эркин ҳорғин, шу билан бирга муаллимнинг шивирлаб айтган гапидан ичида хурсанд эди: демак, дара билан боғлиқ қандайдир сирлар борки, уларни кейин айтиб беради... Яхши. Ҳа, умуман, бу муаллим сирли одам... Лекин кайфияти яхши. Тетик. Мактабда елкасини қисиб юарди. Ҳозир яхши...

# БҮҮРМИ

до...

— Нима, сиздиям бобонгизди...

Амаки оғир-оғир бош ирғади.

— Аммо қизил аскарлар улдиришган.

— Нима? — Эркиннинг кузи ола-кула бўлиб кетди. Назокат ҳам шофердан ёсирагандек узини четга тортиди.

— Қизил аскарлар, — деди шофер ҳолати узгармай. — Босмачиларнинг кийимини кийиб олиб, йулларини тусишган. Кейин Қизилқояга олиб чиқиб суйишган.

— Вей, вей. нималар деяпсиз, ака? Кечирасиз... Тугшунмаяман. Сен тугшундингми, Нозик?

— Йук, қизил аскарларни...

— ...Ёмонлаяпсизми? — унинг сузини тулдириб сўради Эркин.

Шофер амаки жимиб қолди. Кейин негадир ташқарига, яъни, унгу сулга назар ташлаб олди. Сунгра хурсиниб юбориб, рулнинг чамбарагига қарс этказиб урди.

— А, айтинг! — қистади Эркин.

— Нимани? — деди у талмовсираб.

— Нимаңи буларди, қизил аскарларни ёмонладингиз-ку ҳозир! Босмачи кийимини кийиб бобомди судраб...» Айтдингиз. Мана, Назокат гувоҳ!

— Уф, — деб хурсинди шо-

— Ҳе, сиз маккор одамсиз,

— деди Эркин. — Бизни чалғитмоқчи булаяпсиз. Йук-йук...

Шофер энди рул чамбарагига жиддийчасига қарсиллатиб урди.

— Шундай булса, шундай! Тамом! — Кейин бирдан гижиниб, Эркинга юқорини курсатди. — Бу ерда шақиллаб утиргунча тепага чиқсанг-чи? Қанча қизлар утиришибди... Тугрими, Нозик қиз? Улардан биронтаси тушиб утирсин бу ерда.

Эркин гангиб қолди. Гангиган куйи Назокатга қараганди, у босиқлик билан бош ирғади.

— Лекин, шу гапингиз тугри, — деди Эркин. — Майли. Тухтатинг аробангизди! Тухтатинг-е, қизик одам... Чиқаман. Аммо, — худди Асил Очилдиевдек курсатгич бармоғини силкитди, ҳали гаплашамиз. Сиз нотугри гапларни айтдингиз... Сизнинг, сизнинг бобонгизаслида босмачи булган. Шунинг учун... Уҳ! Бу одамнинг нима деганиниям тушуниб булмайди...


— Айтдим-ку, вақти келганда тушунасан, — деб мошинани четга буриб тухтатди шофер.

7

Эркин Назокатни кузгалма дегандай елкасига қоқиб куйиб, унинг олдидан утиб, эшикни



Қор ёғганда менга қорхат ёзишади



### АЛДАРКУСА БИЛАН САВДОГАР

Савдогар шериклари-га мақтаниб келар экан. — Алдаркуса ҳамма-ни алдаса ҳам, мени алдай олмайди. Алдаркуса аҳмоқ одамларнигина алдайди. Шу вақт рупарадан Алдаркуса чиқиб қолибди. Савдогар сўзини тасдиқламоқчи булиб. — Ҳой алдаркуса, қани алдар булсанг, мени алдаб кучингни курсатчи, — деб қичқирибди. Алдаркуса дарров: — Эй-й аттанг, алдар халтам уйда қолувди-да, отингизни беринг, дарров олиб келаман, ушанда курсиз, алдай оламанми, йўқми? — дебди. Савдогар тангилик қилиб:

— Хуп, олиб кел, — дебди. Алдаркуса савдогарнинг отини миниб, бадар кетибди. Савдогар кечгача кутибди. Уни дўслари роса мазах қилиб кулишибди. Шундагина садогар алданганини сезиб қолибди.



### КИМ ТЕЗ ЕЙДИ?

МУЗҚАЙМОҚНИ Исроилда тез-тез ейиш буйича антиқа беллашув ўтказилди. Ярон Элон деган одам 90 сонияда 1,5 кило музқаймоқни «тинчитиб» биринчи ўринни олди.

ТОРТНИ ейиш буйича 1988 йили Оркус шаҳрида йирик мусобақа ўтказилди. Унда икки юз ўғил-қиз икки мингта тортга қарши «куч синашди».

Югославиянинг бир шаҳрида ичига асал солинган ҚУЙМОҚНИ қирқ беш дақиқада ҳеч қандай ичимликсиз тамадди қилган киши ғолиб ҳисобланиб, махсус соврин эгаси бўлади. Беллашувда 65 киши қатнашиб, йигирма дақиқа ўтар-ўтмас, унинг иштирокчиларидан атиги етти киши қолди. Беллашувни қирқинчи дақиқасида эллик битта қуймоқни «тинчитган» 22 ёшли Бранко Шиврич ғолиб чиқди.

### ТОПИШМОҚЛАР

Ерга тушса оқ тутун Хиралашар кўз бутун. \*\*\* Кукда қилич ярқирайди. Бир жойдан чиқиб узи чўзилиб борар изи. \*\*\* Сувда акси ялтирайди. Киради эшиқдан Чикади тешиқдан. \*\*\* Қор ёғса игна санчар, Ариги йўқ оқади Майин юрса ёқади. \*\*\* Нур ёғса, дарров қочар.

### БИЛАҒОН

Лобархон дарс қилаётиб, бувисидан суради: — Буви, тўртга иккени қўшсак неча бўлади? — Олти бўлади. — Ие, билмас экансиз. Олти учга учни қўшсак бўлади. Сиз олтидан бошқасини айтинг, — деди Лобархон бувисининг оғзига қараб.

### СОҚОЛЛИ ШАФТОЛИ

Уч яшар Анваржонни тоғаси зарғалдоқ ва луччак шафтолидан қоқиб берди-да, — Ол, е, — деб айтди. Анвар булса нуқул луччак шафтолини териб ерди. — Нега зарғалдоқ шафтолидан смаяпсан, — деб суради тоғаси. — Мен соқолли шафтолини ёмон кўраман, — деди у шафтолининг тукларига ишора қилиб.

### БИЗНИ СОҒИНАСИЗМИ?

Гўдак эдим ўшанда, ташлаб кетган экансиз, Мўлтираган кўзларни, ёшлаб кетган экансиз, Бизни соғинасизми? Кўзларимиз тўрт бўлди, йўлингизга неча бор, Келмадингиз, не бўлди, фарзандингиз интизор, Бизни соғинасизми? «Дадажоним қани?» деб, зор йиғласам билмайсиз, Қалбим шодликка тўлса, эркалатиб кулмайсиз, Бизни соғинасизми? Уйқусиз тунларимда ўйлаб ётаман сизни,

Ҳеч бўлмаса тушимда, кўрсам деб юзингизни, Бизни соғинасизми? Баҳор келар, ёз келар, аммо сиздан хабар йўқ, Ахир бир кун келарсиз, дея яна кўнглим тўқ, Бизни соғинасизми? «Даданг тирик, келар», деб, далда берар Маҳмуджон, Сабр таги олтин, деб кутиб яшармиз ҳар он, Бизни соғинасизми?

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ.

<p><b>ТОНГ ЮЛДУЗИ</b> Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ</p>	<p><b>Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА</b> ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Йўлдош САИДЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Хотам АБДУРАИМОВ, Икқилоб ЮСУПОВА, Далахон ЁҚУБОВ, Иноят АБДУСОАТОВА, Сувайялла ҚУЗИЕВ, Мукаррама МУРОДОВА, Феруза ОДИЛОВА. «ЕШИҚТИСОДЧИ» ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР. Музаффар ПИРМАТОВ, Равшан ҚАМБАРОВ, Маҳлиё МИРСОАТОВА, Гулнора МУҲАМЕДОВА.</p>	<p>ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буортма — Г -0606. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босингга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 19.45. Навбатчи Маъруф ЙЎЛДОШЕВ. • Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137 • Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй. • Наһр курсаткичи: № 64563 • Телефон: 1-33-44-25, 1-36-57-91, 1-36-54-21</p>
---	---	--